Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети,
Ўзбекистон ССР Олий Совети ва Министрлар Советининг органи

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН
№ 169 (14.031).

1968 ИЮЛЬ 21 ЯКШАНБА

Баҳоси 2 тийин.

БЕШ ЙИЛЛИК МАРРАЛАРИ

СССР халқ хўжалигининг 1968 йил биринчи ярим йиллиги якунлари ҳақида СССР Марказий статистика бошқармасининг хабарида қуйидагилар айтилади:

Совет Иттифоқи меҳнаткашлари беш йиллик планни муддатидан илгари бажариш учун социалистик мусобақани авж олдириб, биринчи ярим йилликда ижтимоий ишлаб чиқаришнинг янада ўсиши ва халқ фаровонлигини оширишга эришдилар. Ўтган ярим йиллик—беш йилликнинг биринчи ярмига якун ясади. Бу давр ичида беш йиллик план топшириқлари муваффақиятли адо этилди. Асосий кўрсаткичлар бўйича халқ хўжалигининг ривожланиши — саноат ишлаб чиқаришининг ҳажми, транспортда юк обороти, аҳолининг реал даромади, чакана товар обороти пландаги топшириқлардан ошириб бажарилди.

РОССИЯ ФЕДЕРАЦИЯСИ БАЙРОҒИДА ОКТЯБРЬ РЕВОЛЮЦИЯСИ ОРДЕНИ

19 июлда Союзлар уйининг колонна залида еттинчи чақириқ РСФСР Олий Советининг учинчи сессияси ўз ишини давом эттирди.

Шу ерда ҳозир бўлган кишилар самимий кутиб олган Г. И. Воронов ва Ф. Д. Кулаков ўртоқлар сессиянинг ишида қатнашдилар.

Эрталабки мажлис бошланган чоқда кун тартибидаги учинчи масала — «РСФСР меҳнаткашлар депутатлари қишлоқ, посёлка Совети тўғрисидаги РСФСР Қонун лойиҳаси ҳақида»ги масала муҳокама қилинди, 18 июлда шу масала юзасидан РСФСР Олий Советн Президиуми Раисининг ўринбосари депутат О. П. Колчина доклад қилган эди.

Музокараларда КПСС Оренбург область комитетининг секретари депутат Б. А. Петров ва Чита область Советн ижроия комитетининг раиси депутат Н. И. Дмитриев қатнашдилар. Улар қонун лойиҳасини маъқулладилар ва бу ҳужжат қишлоқ Советларининг ишини янада такомиллаштиришга ёрдам беради, деб таъкидладилар.

Раислик қилувчи — РСФСР Олий Советининг Раиси депутат М. Д. Миллионщиков РСФСР Олий Советн Президиуми ва Федерация Министрлар Совети депутатларнинг музокараларда айтган таклифларини эътибор билан қараб чиқадилар, деди.

Шундан кейин сессия қатнашчилари «РСФСР меҳнаткашлар депутатлари қишлоқ, посёлка Совети тўғрисида»ги Россия Совет Федератив Социалистик Республикасининг Қонунини, шунингдек РСФСР меҳнаткашлар депутатлари қишлоқ ва посёлка Советлари тўғрисидаги РСФСР Қонунларини жорий қилиш тартиби ҳақида РСФСР Олий Советининг қарорини якдиллик билан қабул қилдилар.

РСФСР Олий Советн Қонун лойиҳаларини тайёрловчи комиссиясининг раиси депутат Г. В. Подельщиков кун тартибидаги учинчи масала юзасидан доклад қилди. Коммунистик партия, деди у, Советларнинг фаолиятини такомиллаштириш, уларнинг жамиятимиз ҳаётининг барча соҳаларига таъсирини кучайтиришга доим эътибор қилиб келмоқда. Доимий комиссиялар Советларнинг ишида тобора катта роль ўйнамоқдалар, давлат ҳокимияти органларига иқтисодий ва сиёсий вазифаларни амалга оширишда катта ёрдам бермоқдалар.

Докладчи низом лойиҳаси тўғрисида батафсил гапирди. Бу ҳужжат Олий Советнинг комиссиялар ҳуқуқи ва бурчларини белгилайдиган актигина бўлиб қолмай, балки доимий комиссияларнинг давлатнинг бошқа органлари билан ўзаро муносабатларини тартибга солувчи қонун ҳам бўлади.

Кун тартибидаги учинчи масалани муҳокама қилишда депутатлардан — Брянск область Советн ижроия комитетининг раиси **И. М. Коновалов,** Шимолий Осетия АССР Олий Советн Президиуминг раиси **Т. С. Хетагурова,** Хабаровск медицина институти хирургия кафедрасининг мудири **С. И. Сергеев,** КПСС Ростов шаҳар комитетининг биринчи секретари **С. Н. Сабапеев** қатнашдилар.

Олий Совет «РСФСР Олий Советн доимий комиссиялари тўғрисидаги низом»ни бир овоздан тасдиқлади.

Сессия қатнашчилари РСФСР Олий Советн Президиумининг Фармонларини тасдиқладилар. РСФСР Олий Советн Президиумининг Секретари депутат **Х. П. Нешков** шу тўғрида доклад қилди.

* * *

Қисқа танаффусдан кейин сессия ўз ишини давом эттирди.

Г. И. Воронов, А. П. Кириленко, А. Н. Косигин, К. Т. Мазуров, А. Я. Пельше, Н. В. Подгорний, М. А. Суслов, Ю. В. Андропов, В. В. Гришин, Д. Ф. Устинов, И. В. Капитонов, К. Ф. Катушев, Ф. Д. Кулаков, Б. Н. Пономарев, М. С. Соломенцев ўртоқлар пайдо бўлганларида депутатлар ва меҳмонлар уларни қизғин қарсаклар билан кутиб олдилар.

РСФСР Олий Советн Президиумининг Раиси депутат М. А. Яснов қисқача нутқ сўзлади. М. А. Яснов таклифи бўйича Россия Совет Федератив Социалистик Республикаси Олий Советининг баёноти якдиллик билан қабул қилинади. РСФСР Олий Советн бу ҳужжатда коммунистик ва ишчи партияларнинг Чехословакия Коммунистик партияси Марказий Комитетига йўллаган мактубини қўллаб-қувватлайди. КПСС Марказий Комитети 1968 йил июль Пленумининг қарорини тўла ва батамом маъқуллайди ҳамда партия Марказий Комитетининг ташқи сиёсат соҳасидаги фаолиятини якдиллик билан қўллаб-қувватлаётганлигини билдиради.

Раислик қилувчи депутат М. Д. Миллионщиков бундай деди: Россия Федерацияси иттифоқдош республикалардан биринчи бўлиб Октябрь революцияси ордени билан мукофотланган эди. Бугун сессия қатнашчилари ана шу мукофотни қабул қилиб олишдек юксак шарафга муяссар бўлдилар. Россия Федерациясининг байроғи тантанали суратда олиб кирилганда залда гулдурос қарсаклар янграйди.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Олий Советн Президиумининг Раиси депутат Н. В. Подгорнийга сўз берилади.

У шундай деди:

Депутат ўртоқлар!

Инсониятга коммунизм йўлини очиб берган Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 50 йиллиги шарафига Октябрь революцияси ордени таъсис этилди. Бу орден билан мукофотланиш юксак шарафдир.

Россия Федерацияси иттифоқдош республикалар орасида бу орденни биринчи бўлиб олиш шарафига муяссар бўлди. СССР Олий Советининг Президиуми 1967 йил 19 декабрда қуйидаги Фармонни чиқарди:

«Россия Совет Федератив Социалистик Республикаси меҳнаткашларининг революцион ҳаракатдаги, Улуғ Октябрь социалистик революциясидаги буюк хизматлари ва жаҳонда биринчи кўп миллатли социалистик давлат — Совет Социалистик Республикалари Иттифоқини вужудга келтириш ва мустаҳкамлашга қўшган катта ҳиссаси учун, Совет ҳокимиятининг ғалабаларини ҳимоя қилишда кўрсатган мардлиги ва қаҳрамонлиги ҳамда коммунистик қурилишда эришилган муваффақиятлари учун **Россия Совет Федератив Социалистик Республикаси Октябрь революцияси** ордени билан мукофотлансин».

Депутат ўртоқлар, КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва Совет Иттифоқи ҳукумати номидан сизларни ва сизлар орқали Россия Совет Федератив Социалистик Республикасининг ишчилари, колхозчилари, зиёлилари, барча меҳнаткашларини Ватаннинг юксак мукофоти билан қизғин табриклайман.

Октябрь революцияси ордени билан мукофотлаш — Россия меҳнаткашларининг буюк хизматларини, янги, коммунистик жамият қураётган бутун совет халқининг умумий ишига уларнинг қўшган жуда катта ҳиссасини эътироф этиш ва қадрлаш демакдир.

Рус халқи инсониятга гениал олим ва революционер, коммунистлар партиясининг ташкилотчиси, Совет давлатининг асосчиси ва раҳбари — Владимир Ильич Ленинни етиштириб берди. Рус халқи жаҳонни социалистик негизда ўзгартириш йўлига биринчи бўлиб ўтди. Россия пролетариати жанговар революцион партияни — большевиклар партиясини тузди. Бу партия меҳнаткашларни Октябрь ғалабасига олиб келди, мамлакатимизда социализм ва коммунизм қурилишини ташкил этди.

Рус халқи янги ҳаёт қурилишида ҳамиша олдинги сафда борди ва бормоқда, ўзининг фидокорона ва илҳомбахш меҳнати билан Ватанимизнинг барча халқларини ўзига эргаштириб бормоқда. Рус халқининг бошқа миллий маданиятлар ютуқларини ўзида мужассамлаштирган бой маданияти СССР халқлари маънавий ҳаётининг ҳаётбахш манбаидир. СССР халқлари рус халқини ҳурмат билан ўзларининг оғаси, деб атайдилар. рус халқини ҳақли суратда коммунизм қурувчилар ўртасида биринчи ўринга қўймоқдалар.

Рус халқи граждан уруши ва Улуғ Ватан уруши майдонларидаги жанглар оловида, янги жамиятни муваффақиятли суратда қурибгина қолмай, балки уни ҳимоя қила олажагини ҳам исбот этди. Рус халқи социалистик Ватан шон-шарафи, озодлиги ва мустақиллигини қаттиқ туриб ҳимоя қилмоқ учун кўп қурбонлар берди.

(Охири иккинчи бетда).

ҚИЗҒИН МАЪҚУЛЛАНДИ

САМАРҚАНД, 20 июль. (ЎзТАГ). Бугун бу ерда область партия ташкилоти активининг йиғилиши бўлди. Йиғилиш қатнашчилари Самарқанд область партия комитетининг биринчи секретари С. Н. Усмоновнинг «КПСС Марказий Комитетининг 1968 йил июль Пленуми якунлари тўғрисида»ги докладини тингладилар ва муҳокама қилдилар.

Йиғилиш қатнашчилари КПСС Марказий Комитети Пленумининг иш якунларини ва қарорини якдиллик билан маъқулладилар ва бу ҳужжатларни оғишмай бажариш учун дастур, деб қабул қилдилар.

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ АКТИВИНИНГ ЙИҒИЛИШИ

20 июлда Тошкент область партия ташкилоти активининг йиғилиши бўлди. КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов «КПСС Марказий Комитетининг 1968 йил июль Пленуми якунлари» тўғрисида доклад қилди.

Доклад юзасидан музокараларда Киров район партия комитетининг биринчи секретари Ш. Аҳмадалиева, Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш институтининг ректори С. Пўлатов, Янгийўл шаҳар партия комитетининг секретари В. И. Рибалко, «Ташсельмаш» заводининг слесари Т. Ҳайдаров, Калинин районидаги К. Маркс номли колхоз раиси Ғ. Абдуллаев ўртоқлар сўзга чиқдилар.

Йиғилишда сўзга чиққан нотиқлар КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг ҳалқаро сиёсат соҳасидаги, социализм позицияларини мустаҳкамлашга, жаҳон социалистик ҳамдўстлиги жипслигини мустаҳкамлашга қаратилган йўлини, социалистик ва носоциалистик мамлакатлар коммунистик ва ишчи партиялари билан муносабатлар соҳасидаги сиёсий йўлини ва амалий ишларини якдиллик билан маъқулладилар. Йиғилиш қатнашчилари социалистик мамлакатлар коммунистик ва ишчи партиялари делегацияларининг Варшавадаги учрашуви якунла[illegible] кардош партияларнинг [illegible] Коммунистик партияси [illegible] Комитетига йўллаган ва [illegible] Коммунистик партия[illegible] халқига самимий, дўстона [illegible] нал ёрдами ифодаси [illegible] тубига юксак баҳо бер[illegible]

Йиғилиш ишида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюро аъзолари ва аъзолигига кандидатлари И. Г. Анисимкин, Р. Қурбонов, Н. М. Матчонов, М. А. Абдураззоқов, С. Р. Расулов, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосарлари С. О. Азимов, Г. А. Габриельянц, С. К. Зиёдуллаев, республика Олий Совети Президиуми раисининг ўринбосари А. С. Абдалин ўртоқлар қатнашдилар.

Йиғилиш муҳокама этилган масала юзасидан қарор қабул қилди. (ЎзТАГ).

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ 1968 ЙИЛ ИЮЛЬ ПЛЕНУМИ ЯКУНЛАРИ ТЎҒРИСИДА

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ АКТИВИ ЙИҒИЛИШИНИНГ ҚАРОРИ

Тошкент область партия ташкилоти активининг йиғилиши КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ Ш. Р. Рашидовнинг «КПСС Марказий Комитети 1968 йил июль Пленумининг якунлари тўғрисида»ги докладини тинглаб ва муҳокама қилиб, КПСС Марказий Комитети Пленумининг иш якунлари ва қарорини, Марказий Комитети Сиёсий бюросининг халқаро сиёсат соҳасидаги, социализмнинг позицияларини мустаҳкамлаш, жаҳон социалистик ҳамдўстлигининг жипслигини кучайтириш, коммунистик ва ишчи партияларнинг бирлигини мустаҳкамлаш йўлини олиб бориш соҳасидаги фаолиятини бутунича ва тўла маъқуллайди. КПСС Марказий Комитети Пленумининг қарори оғишмай бажариш учун дастур деб қабул қилинсин.

Актив йиғилиши социалистик мамлакатлар коммунистик ва ишчи партиялари делегацияларининг Варшавадаги учрашувида ишлаб чиқилган ва марксизм-ленинизм, пролетар интернационализми принциплари асосида социализм мамлакатлари ўртасидаги қардошларча муносабатларни тағин ҳам ҳар томонлама ривожлантиришга, социалистик системани, унинг жипслигини мустаҳкамлашга қаратилган тадбирларини тўлиқ маъқуллайди.

<>   <>

Актив йиғилиши қатнашчилари Чехословакия Социалистик Республикасида социализм иши учун қатъий кураш олиб бориш зарур эканлиги ҳақида чиқарилган хулосаларни қизғин маъқуллайдилар ва қардош партияларнинг Чехословакия Коммунистик партияси Марказий Комитетига йўллаган ва Совет Иттифоқи коммунистлари ҳамда Варшавадаги учрашувда қатнашган социалистик мамлакатлар коммунистларининг қардош мамлакатда социализм позицияларини мустаҳкамлаш тўғрисидаги чуқур интернационал ғамхўрлиги тақозо этган мактубини Чехословакия Коммунистик партияси ва халқлари тўғри тушуниб қўллаб-қувватлайдилар, бу мактуб мамлакатларимиз халқлари ўртасидаги, барча социалистик мамлакатлар халқлари ўртасидаги дўстликни мустаҳкамлашга ёрдам беради, деб қаттиқ ишонч билдирадилар.

Актив йиғилиши чехословак меҳнаткашларининг илғор отряди — Коммунистик партия коммунистларини, ишчилар синфини, жамиятнинг барча меҳнаткаш табақаларини ички ва ташқи реакциянинг партияга, Чехословакия Социалистик Республикасидаги ижтимоий тузум асосларига қарши, социалистик мамлакатларнинг ҳамдўстлигига қарши қаратилган ҳужумига қатъий зарба беришга сафарбар қилади, деб қаттиқ ишонч билдиради.

Актив йиғилиши КПСС Марказий Комитетини ишонтириб айтадики, Тошкент областининг коммунистлари ва барча меҳнаткашлари жонажон Коммунистик партиянинг бош йўлини якдиллик билан қўллаб-қувватлаб, бундан буён ҳам партия билан халқнинг бирлигини, уларнинг ленинчи Марказий Комитет теварагидаги жипслигини ҳар томонлама мустаҳкамлаш учун ҳамма чораларни кўраверадилар, ўзларининг меҳнат ғайрати ва сиёсий активлигини кучайтиравередилар, Совет мамлакатининг қудратини янада зўр ғайрат билан мустаҳкамлайверадилар. Партия ташкилотлари меҳнаткашларни марксизм-ленинизм улуғ таълимоти, пролетар интернационализми принциплари асосида тарбиялашни кучайтираверадилар, империализмнинг идеология соҳасидаги диверсияларининг ҳар қандай кўринишларига қарши қатъий кураш олиб бораверадилар.

БУГУН — МЕТАЛЛУРГЛАР КУНИ

Бугун мамлакатимиз металлурглари навбатдаги байрамларини янги меҳнат зафарлари билан нишонламоқдалар. Металл Ватанимиз куч-қудратини мустаҳкамлайди, экономикамизнинг ривожи учун муҳим восита бўлиб хизмат қилади. Янги машиналар яратаётган корхоналар, тикланаётган улкан саноат объектлари — буларнинг ҳамма-ҳаммаси учун металл зарур. Кўпгина қурилиш объектларида металл конструкцияларидан фойдаланиш расм бўлиб қолди. Кўриниб турибдики, металл мамлакат халқ хўжалигини юксалтиришда муҳим омил. Шунинг учун ҳам металлургиямиз меҳнаткашлари маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш, сифатини яхшилаш тадбирларини кўрмоқдалар. Ғарбий Сибирь металлурглари ташаббусига қўшилган ўзбекистонликлар ҳам янги қувватларни тезроқ ишга солиш, печларнинг металл эритиладиган ҳар бир квадрат метридан самарали фойдаланиш учун мусобақани кучайтириб юбордилар. Суратда: Олмалиқ мис эритиш заводининг пешқадам ишчилари Тўлқин Муқсимов ва Решат Боқи ўртоқлар. Улар байрам шарафига мусобақага қўшилиб, етти ойлик планни муваффақиятли бажардилар.

И. Глауберзон фотоси.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДА

КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси икки томонлама ўртоқлик учрашувини ўтказиш тўғрисидаги таклиф изҳор қилинган мактубни шу йил 19 июлда Чехословакия Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Президиумига юборганлиги маълум бўлди. Мактубда, жумладан, бундай дейилади: КПСС Марказий Комитети июнь ойида ва июль ойининг биринчи ярмида, социалистик мамлакатлар қардош партиялари раҳбарларининг Варшавадаги учрашуви олдидан партияларимиз делегацияларининг ана шундай икки томонлама учрашувини ўтказишни бир неча бор таклиф этган эди. Чехословакия Коммунистик партияси Марказий Комитетининг раҳбарлари учрашув ўтказилишига принципиал розилиқ билдирган бўлсалар-да, аммо бундай учрашув ўтказилмади, чунки чехословакиялик ўртоқлар бундай учрашувни ҳар сафар номаълум вақтга кечиктира бердилар.

Мактубда КПСС Марказий Комитетининг икки томонлама учрашувга катта аҳамият бераётганлиги тўғрисида гапирилади ва бу учрашувни энг юксак даражада — КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси ва Чехословакия Коммунистик партияси Марказий Комитети Президиумининг тўла составида ўтказиш, ёки чехословакиялик ўртоқлар бирор сабаб билан бунинг иложи йўқ деб ҳисоблаганлари тақдирда, ҳар иккала партия раҳбарлиги делегацияларининг учрашувини мумкин қадар кенгроқ составда ўтказиш таклиф этилади.

КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси бу учрашувни шу йил 22 ёки 23 июлда Москвада, ёҳуд чехословакиялик ўртоқларга қулай бўлса, Киев ёки Львовда ўтказишни таклиф этди. (ТАСС).

РАСМИЙ ХАБАРЛАР

«КОСМОС-233» ПАРВОЗДА

ТАСС АХБОРОТИ

1968 йил 18 июлда Совет Иттифоқида Ернинг навбатдаги сунъий йўлдоши «Космос-233» учирилди. Йўлдош ичига ТАСС 1962 йил 16 мартда эълон қилган программага мувофиқ космик фазони тадқиқ қилишни давом эттириш учун мўлжалланган илмий аппаратлар ўрнатилган.

Йўлдошда илмий аппаратлардан ташқари орбита элементларини аниқ ўлчайдиган радио системаси, приборлар ва илмий аппаратларнинг ишлаши тўғрисидаги маълумотларни Ерга юбориб турадиган радио телеметрик система бор. Йўлдошга ўрнатилган аппаратлар нормал ишлаб турибди. Координациялаш-ҳисоблаш маркази олинаётган маълумотларни ишлаб чиқмоқда.

ИТАЛИЯЛИК МЕҲМОНЛАР

КПСС Марказий Комитетининг таклифига биноан, Совет Иттифоқида меҳмон бўлиб турган Италия Компартияси федерацияларн секретарларининг делегацияси 19 июлда Тошкентга келди. Италия Компартияси Марказий Комитетининг аъзоси Рено Серри делегацияга бошчилик қилмоқда.

Аэродромда меҳмонларни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюро аъзолигига кандидат, Тошкент область партия комитетининг биринчи секретари М. А. Абдураззоқов, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюро аъзолигига кандидат, Тошкент шаҳар партия комитетининг биринчи секретари С. Р. Расулов, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг бўлим мудири Р. К. Шонеъматов, Тошкент шаҳар ижроия комитети раисининг ўринбосари С. Б. Норқўзиев кутиб олдилар.

Италиядан келган меҳмонлар Ўзбекистонда бир неча кун бўладилар. Улар республика партия ташкилотининг фаолияти билан, Ўзбекистон меҳнаткашларининг ҳаёти билан танишадилар. (ЎзТАГ).

ЮКСАК МУКОФОТ

Совет адабиётини ривожлантиришдаги жуда катта хизматлари, самарали ижтимоий фаолияти учун ва туғилган кунининг етмиш йиллиги муносабати билан СССР Олий Совети Президиуми ёзувчи Леонид Сергеевич **Соболевга Социалистик Меҳнат Қаҳрамони** унвони берди. Унга **Ленин** ордени ҳамда **«Ўроқ ва болға»** олтин медали топширилади. (ТАСС).

КОМАНДИРЛАР ВА ШТАБЛАРНИНГ БИРГАЛИКДА ЎТКАЗИЛГАН «СЕВЕР» МАШҚЛАРИ ТАМОМ БЎЛДИ

Машқларнинг раҳбари СССР Ҳарбий-Денгиз флоти бош қўмондони, Совет Иттифоқи флот адмирали С. Г. Горшковнинг хабар беришича, Германия Демократик Республикаси, Польша Халқ Республикаси ва Совет Иттифоқи ҳарбий-денгиз флотлари командирлар ва штабларнинг биргаликда ўтказилган «Север» машқлари 19 июлда тамом бўлди.

Машқларда қатнашган командирлар ва штаблар ҳозирги замон денгиз операцияларини планлаштириш ва уюштиришда, денгизда мураккаб жанговар вазифаларни бажариб турган пайтда флотларнинг хилма-хил кучларининг бошқариш соҳасида тажриба орттирдилар.

Машқлар давомида сув ости кемалари ва денгиз авиацияси, сув усти кемалари ва денгиз пиёда аскарлари денгизда ҳарбий қўникмага эга эканликларини, тактикада етукликларини, ҳар қандай вазиятда мураккаб ҳарбий вазифаларни муваффақиятли адо этишга тайёр эканликларини кўрсатдилар.

Варшава Шартномаси мамлакатлари бирлашган қуролли кучларининг бошқа машқлари сингари командирлар ва штабларнинг биргаликда ўтказ[illegible] «Север» машқлари ҳам со[illegible]листик ҳамдўстлик мамлак[illegible]ларининг коллектив мудоф[illegible] системасининг самарадорли[illegible]ни оширишга, қардош ха[illegible]ларнинг жанговар иттифо[illegible] мустаҳкамлашга қўшилган [illegible]ҳим ҳиссадир.

РОССИЯ ФЕДЕРАЦИЯСИ БАЙРОҒИДА ОКТЯБРЬ РЕВОЛЮЦИЯСИ ОРДЕНИ

(Боши биринчи бетда).

Рус халқининг меҳнат ва жангда кўрсатган сабот ва матонати, мардлиги ва қаҳрамонлиги, дилбарлиги, олижаноблиги ва меҳрибонлиги, бошқаларга ёрдам беришга тайёр туриш каби барча хусусиятлари уни ҳақли суратда бутун дунё халқларининг ҳурмати ва таҳсинига сазовор қилди. Бу хусусиятлар совет кишиларининг энг яхши фазилатларини ифода этади. Шу сабабли, чет элларда кўп миллатли мамлакатимиздаги барча гражданларни кўпинча руслар деб атаётганликлари бежиз эмас.

Рус халқининг революцион, жанговар ва меҳнат жасорати Ватанимиз тарихига, бутун инсоният тарихига абадий ёзилиб қолди. Бу жасорат ҳамиша фидокорона мардлик. коммунизмнинг юксак идеяларига қатъий садоқат намунаси бўлиб хизмат қилади.

Рус халқи Коммунистик партия раҳбарлигида Россияда яшовчи барча миллатлар ва элатларни ягона қардошлик оиласига жипслаштирди. Россия Федерацияси халқларининг қудратли ҳамдўстлиги — Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг рамзи бўлиб қолди.

Тенг ҳуқуқли қардош республикалар орасида биринчи республика бўлган Россия Федерациясининг ерлари Балтикадан тортиб, Курил оролларигача, Арктикадан тортиб Ўрта Осиё тоғлари ва даштларигача чўзилиб кетган бепоён ерлардир. Совет Россияси ўз территорияси, битмас-туганмас табиий ресурслари жиҳатидан бу республикаларнинг энг каттасидир.

Аммо Совет Россиясининг энг асосий бойлиги кишилар ва уларнинг буюк ишларидир. Қашшоқ ва ожиз Русь аллақачонлар барҳам топган. Янги, социалистик Россия, — қудратли индустриал-колхоз давлати, фани юксак даражада ривожланган ва маданияти мавж уриб ўсаётган республика вужудга келтирилди. Россия Федерациясининг саноат ишлаб чиқариши 1913 йилдагига нисбатан қарийб 74 баравар кўпайганлиги факти ҳам жуда кенг миқёсларда ўзгаришлар рўй берганлигини кўрсатиб турибди.

Россия Федерациясида, унинг барча автоном республикалари, ўлка ва областларида, автоном областлари ва миллий округларида ишлаб чиқарувчи кучлар тез суръатлар билан ривожланмаган, маданиятнинг тобора янги ўчоқлари вужудга келмаган, аҳолининг фаровонлиги ўсмаган бирор жойни ҳам тополмайсиз. Энг олисдаги ўлкалар, энг кичик халқлар ҳам тараққий этиб бораётган иқтисодий ва ижтимоий ҳаётга жалб этилди. Барча миллатлар ва элатлар (чор Россиясида уларнинг кўпи қирилиб битишга маҳкум этилган эди) ўтакетган қолоқликдан фаровон ва маданий ҳаёт сари тез қадамлар билан олға босдилар.

Совет Россиясидаги шонли ишчилар синфи, колхозчи деҳқонлар, халқ зиёлилари бир неча авлодининг қилган қаҳрамонона бунёдкорлик меҳнати Россия Федерацияси экономикаси ва маданиятининг қўлга киритган буюк муваффақиятларида ўз ифодасини топди. Уларнинг меҳнат зафарлари барча совет кишиларини қувонтирмоқда. Ватанимиз бу зафарларга юксак баҳо бермоқда. Россия Федерациясидаги барча автоном республикалар, ўлкалар, областлар ва автоном областлар олий мукофот — Ленин орденини олишга сазовор бўлдилар.

Бизнинг мамлакатимиз яқинда муҳим маррага ўтди — беш йилликнинг иккинчи ярмига қадам қўйди. Совет Россиясининг меҳнаткашлари бу соҳада ҳам олдинги сафда бормоқдалар. Улар ўзларининг шонли революцион ва меҳнат традицияларини сақлаб ва кўпайтириб, юксак онглилик ва ташаббус намуналарини кўрсатиб, янгидан-янги катта ғалабаларга эришдилар, халқ хўжалигини юксалтиришнинг белгиланган суръатларидан ўзиб кетдилар.

В. И. Ленин туғилган куннинг 100 йиллигини беш йиллик планни муддатидан илгари бажариш билан муносиб кутиб олиш учун ўтказилаётган социалистик мусобақа Россия халқлари меҳнат ғайратининг қудратли ўсишида муҳим роль ўйнайди.

Бошқа қардош республикалар каби Совет Россияси халқларига ҳам ўзларининг катта ва шонли йўлларида — социалистик давлатни ўрнатиш, ривожлантириш ва ҳимоя қилиш учун курашда кўпгина қийинчиликларни енгиш ва анча қурбонлар беришга тўғри келди. Аммо улар энг оғир синовлар натижасида ҳам тобора кўпроқ мустаҳкамланиб, чиниқдилар, янада кўпроқ жипслашиб, монолит куч бўлиб қолдилар. Коммунизмнинг нуроний идеаллари уларни илҳомлантирди, жонажон Коммунистик партия уларни олға бошлаб борди, улар ўз қардошлари — Совет Иттифоқидаги барча халқлар билан бир ёқадан бош чиқариб олға бордилар.

Капиталистлар ва помешчиклар учун эмас, балки ўзлари учун ишлаётган меҳнат аҳлининг ижодий ғайрати, совет ватанпарварлиги, халқларнинг дўстлиги ва ўзаро ёрдами, Ленин партиясининг доно раҳбарлиги шундай бир кучдирки, ҳеч қандай ғов унинг олдида бардош беролмайди. Бу куч коммунизм сари бориш йўлида янгидан-янги юксак поғоналарни эгаллаш имконини беради!

Азиз ўртоқлар! Совет халқи мураккаб халқаро вазиятда, социализм кучлари билан империализм кучлари ўртасидаги кураш кескинлашган бир шароитда бунёдкорлик ишлари билан шуғулланмоқда. Бу кураш — жамият ҳаётининг барча соҳаларини қамраб олган шиддатли синфий курашдир. Империализм агрессия, уруш қилиш ва халқларни бостириш сиёсатини давом эттирмоқда. Империализм ҳийла-найранг ва маккорлик билан ҳаракат қилиб, ҳар қандай воситалардан фойдаланмоқда.

Империалистик доиралар ўзларининг ички ва ташқи сиёсатида катта мағлубиятларга учраб, социализм дунёси билан тарихий мусобақага бардош беролмай, социализм дунёси мудофаа қувватининг ўсиши билан ҳисоблашишга мажбур бўлмоқдалар ва социалистик мамлакатларга қарши сиёсий ва идеологик диверсияларни уюштириш йўлига тобора кўпроқ ўтмоқдалар. Реакция кучлари социалистик демократиянинг обрўсини тушириш, унга туҳмат қилиш, демократияни социализмдан сунъий равишда ажратиб қўйиш, уларни бир-бирига қарама-қарши қилиб қўйишга ҳар қандай йўллар билан уринмоқдалар. Бу билан улар социалистик давлат негизларига зарба беришга, капиталистик тартибларни қайтадан тиклаш учун шарт-шароитларни тайёрлашга интиладилар.

Империализмнинг бутун кучғайрати социалистик жамиятга унинг ичидан путур етказиш, социализм мамлакатларининг бирлигини бузиш, бу мамлакатларнинг халқлари орасига нифоқ солиш, халқаро коммунистик ҳаракатни заифлаштириш, замонамизнинг пешқадам кучларини бир-бирларидан ажратиб юбориш учун уринишга қаратилган. Ана шу макрли тактика кейинги вақтларда Чехословакиядаги маълум воқеаларда айниқса яққол кўринди.

Чехословакияда ўнг, антисоциалистик кучлар — тор-мор келтирилган эксплуататор синфларнинг қолдиқлари, ревизионист ва миллатчи унсурлар империализмнинг актив қўллаб-қувватлаши билан социалистик тузум негизларига жон-жаҳдлари билан ҳужум қилмоқдалар.

Улар партия ва давлат фаолиятини яхшилаш, илгари йўл қўйилган хато ва камчиликларни тузатиш йўлида кўрилаётган чораларни рўкач қилиб, иғвогарлик билан «демократлаштириш» шиорини ниқоб қилиб олиб. Чехословакия Коммунистик партиясининг обрўсини тушириш ва уни раҳбарлик ролидан маҳрум этиш, марксча-ленинча таълимотнинг обрўсини туширишга уринмоқдалар. Ташқи ва ички душман кучлар Чехословакияни социализм йўлидан чалғитишга, уни социалистик ҳамдўстликдан ажратиб олишга очиқдан-очиқ интилмоқдалар.

Социалистик мамлакатлар коммунистик ва ишчи партияларнинг вакиллари яқинда Варшавада учрашиб, социалистик системани, унинг бирлиги ва жипслигини мустаҳкамлашга қатъий бел боғлаганликларини билдирдилар. Улар социализм тарихий ғалабаларининг хавф остида қолишига, империализмнинг социалистик системага тинч ёки нотинч йўл билан, ичкаридан ёки ташқаридан раҳна солишига ҳеч қачон тоқат қилолмасликларини қатъий айтдилар.

КПСС Марказий Комитетининг яқинда бўлиб ўтган Пленуми бутун партиямизнинг хоҳиш-иродасини ифода этиб, Марказий Комитет Сиёсий бюросининг халқаро сиёсат соҳасидаги, социализм позицияларини мустаҳкамлаш, жаҳон социалистик ҳамдўстлигининг жипслигини кучайтириш йўлини тутиш соҳасидаги, социалистик ва носоциалистик мамлакатлардаги коммунистик ҳамда ишчи партиялар билан муносабатлар соҳасидаги фаолиятини бутунича ва тўла маъқуллади. Пленум Варшавадаги учрашув якунларига, Чехословакияда социализм иши учун қатъий кураш олиб бориш зарурлиги тўғрисида чиқарилган хулосаларга юксак баҳо берди ва уларни якдиллик билан маъқуллади.

Умумий душманимизга қарши синфий курашнинг оғир мактабидан ўтган Чехословакия Коммунистик партияси, республика ишчилар синфи, барча меҳнаткашлари бой революцион традицияларга таяниб, реакция йўлини тўса олишларига, ўзларининг социалистик ғалабаларини қаттиқ туриб ҳимоя қила олишларига бизнинг партиямиз, бизнинг халқимиз астойдил ишонадилар. Чехословакиялик дўстларимиз бугун бу ерда РСФСР Олий Советининг баёнотида айтилганидек, коммунистлар, барча совет кишилари ўзларининг интернационал бурчини бажариб, бу соҳада ҳар томонлама ёрдам ва мадад беришларига шубҳаланмасалар ҳам бўлади!

КПСС ва Совет давлати социализм ва коммунизмни муваффақиятли суратда қуриш учун энг қулай шарт-шароитлар бўлишини таъминлашга, социалистик ҳамдўстликни мустаҳкамлашга, демократия ва тараққиётнинг барча кучлари империализмга қарши олиб бораётган курашда уларни қўллаб-қувватлашга қаратилган халқаро сиёсатни бундан буён ҳам қатъият ва изчиллик билан ўтказаверади. Социализм, тинчлик ва демократия иши енгилмасдир. Бу иш келажакда тўла тантана қилади!

Депутат ўртоқлар! Россия Федерацияси меҳнаткашлари олдида, бутун совет халқи олдида буюк ва хилма-хил вазифалар турибди. Бу вазифалар КПСС Программасида ва партия XXIII съездининг қарорларида белгилаб берилган. Бу вазифалар беш йиллик планда ўз ифодасини топган.

Ишлаб чиқарувчи кучларни доим ривожлантириш, ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини ва меҳнат унумдорлигини ошириш, мавжуд ресурслардан, асосий фондлардан тежаб-тергаб оқилона фойдаланиш, фан ва техниканинг энг янги ютуқларини жадаллик билан жорий қилиш ҳозирги куннинг асосий талабларидир. Бу талабларнинг муваффақиятли бажарилиши мамлакатимизни янада юксак поғонага кўтаради, унинг мудофаа қобилиятини янада кўпроқ мустаҳкамлайди, халқ фаровонлиги ва маданий турмуш даражасини янада ўстириш учун керакли моддий базани мустаҳкамлайди, бизнинг олдимизда янги истиқболлар очиб беради.

Партия ва давлат бу вазифаларни тезроқ ҳал этиш учун, йўлимизда ҳали учраб турадиган камчилик ва қийинчиликларни бартараф қилиш учун тегишли чораларни изчиллик билан амалга оширмоқдалар. Аммо, ўртоқлар, муваффақият қозониш, аввало, ишчи ва колхозчиларнинг, инженер ва техникларнинг, олимлар ва педагогларнинг, соғлиқни сақлаш, савдо-сотиқ, маиший хизмат кўрсатиш ходимларининг, миллионларча меҳнаткашлар оммасининг актив ижодий меҳнатига боғлиқдир.

КПСС Марказий Комитети июль Пленумининг қарорида таъкидлаб ўтилганидек, мамлакатимизда коммунизм қуриш ишида қўлга киритилаётган муваффақиятлар қардош социалистик мамлакатларнинг, барча революцион кучларнинг манфаатларига, тинчлик, миллий мустақиллик, демократия ва социализм учун, халқаро империализмга қарши кураш манфаатларига мосдир.

Депутат ўртоқлар! СССР Олий Совети Президиумининг топшириғини зўр мамнуният билан бажариб, Россия Совет Федератив Социалистик Республикасининг энг олий органи — Олий Совет сессиясида Совет давлатининг юксак мукофоти — Октябрь революцияси орденини унга топшираман.

Н. В. Подгорний залдагиларнинг гулдурос қарсаклари остида Россия Федерацияси байроғига орденни қадаб қўйди. Ҳамма ўрнидан туради. Узоқ вақтгача қарсаклар тинмайди.

— Азиз ўртоқлар! Россия Федерациясининг байроғида бундан буён Ватанимизнинг уч мукофоти — иккита Ленин ордени ва Октябрь революцияси ордени бўлади. Бу — катта шараф бўлиши билан бирга, катта жавобгарликни ҳам юклайди.

Ишонч билдириб айтаманки, Совет Россиясининг меҳнаткашлари уч орденли республика байроғини муносиб суратда баланд кўтариб борадилар, коммунизм қурилишида янги ғалабаларга эришмоқ учун янада зўр ғайрат ва ташаббускорлик билан кураш олиб борадилар. Депутат ўртоқлар, сизларга, сизлар орқали эса Россия Федерациясининг барча меҳнаткашларига чин кўнгилдан янги буюк муваффақиятлар тилайман, ҳар бирингизнинг оилангизга бахт саодат ва фароғат тилайман.

Яшасин ва яшнасин қудратли Россия Совет Федератив Социалистик Республикаси!

Совет халқининг синалган авангарди, барча ғалабаларимизнинг жанговар раҳбари ва илҳомчиси — Совет Иттифоқи Коммунистик партиясига шон-шарафлар!

Яшасин инсониятнинг порлоқ истиқболи — коммунизм!

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, РСФСР Министрлар Советининг Раиси депутат Г. И. Воронов жавоб нутқи сўзлади.

Россия Совет Федератив Социалистик Республикасининг барча меҳнаткашлари, деди Г. И. Воронов, бугун Россия Федерациясига Октябрь революцияси ордени топширилиши муносабати билан буюк шодлик ва ифтихор туйғуларини изҳор қиладилар. Биз, Совет Россиясининг вакиллари, ҳукуматнинг СССР Олий Совети Президиуми Раиси ўртоқ Н. В. Подгорний ҳозиргина топширган ана шу юксак мукофотини ғоят баланд руҳ билан қабул қилиб оламиз.

Республика жанговар ва меҳнат зафарлари учун икки марта Ленин ордени билан тақдирланган эди. Эндиликда РСФСР байроғида иккита Ленин ордени билан бир қаторда Октябрь революцияси ордени ҳам ярқираб туради.

Республиканинг ишчилари, колхозчилари, фан ва маданият ходимлари, барча меҳнаткашлари Россия Федерациясининг Октябрь революцияси ордени билан мукофотланиши тўғрисидаги хабарни ғоят баланд руҳ билан кутиб олдилар. Улар кўп кишининг иштироки билан ўтказилган митинг ва йиғилишларда марксизм-ленинизм идеялари, Октябрь улуғ ишининг тантанаси йўлидаги умумхалқ курашига қўшган ҳиссаларига юксак баҳо берганликлари учун Коммунистик партия Марказий Комитетига, СССР Олий Советига ва Совет ҳукуматига чин кўнгилдан ташаккур ва миннатдорчилик изҳор қилдилар. Юксак мукофотга жавобан коммунистик қурилишнинг улуғвор программасини амалга ошириш учун янада зўр ғайрат ва шижоат билан меҳнат қилишга қатъий бел боғлаганликларини астойдил айтдилар.

Депутат ўртоқлар, Россия Федерациясининг Октябрь революцияси ордени билан мукофотланганлиги учун, республикамизнинг экономикаси ва маданиятини янада ривожлантириш тўғрисида доим эътибор бериб, ғамхўрлик қилаётганликлари учун сизларнинг номингиздан, РСФСРдаги барча халқлар номидан Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетига, СССР Олий Советига ва Совет ҳукуматига яна бир марта самимий ташаккур изҳор қилишга ижозат бергайсиз.

Республиканинг Октябрь революцияси ордени билан мукофотланиши Россия Федерацияси халқлари мамлакатимиздаги қардош халқлар билан маҳкам бирлашиб, Ленин байроғини баланд кўтариб бораётганликларини, бу байроқни барча қийинчиликлар ва оғир синовлардан шараф билан олиб ўтганликларини исбот қилади. Россия меҳнаткашлари революцион курашнинг. Совет давлатини ўрнатиш ва ривожлантиришнинг ҳамма босқичларида мардлик, сабот-матонат, шавкатли меҳнат. Коммунистик партия ишига фидокорона садоқат намуналарини кўрсатдилар ва кўрсатмоқдалар.

Россиянинг энг яхши фарзандлари улуғ Ленин бошчилигида большевикларнинг қудратли партиясига жипслашдилар. Бу партия меҳнаткашларини Улуғ Октябрь социалистик революцияси ғалабасига олиб келди. Петроград, Москва, Иваново-Вознесенск, Урал ва бошқа саноат марказлари ишчиларининг революцион тажрибаси Ватанимизнинг бутун территориясида Совет ҳокимиятини ўрнатиш учун курашда муҳим роль ўйнади. Совет Россиясининг меҳнаткашлари граждан уруши ва чет эл интервенцияси йилларида кўкракларини қалқон қилиб Советлар республикасини ҳимоя қилишга отландилар. Улар мамлакатимиздаги барча халқлар билан биргаликда тенг ҳуқуқли совет республикаларининг кўп миллатли иттифоқини вужудга келтирдилар. Бу иттифоқ совет социалистик тузумининг барқарорлиги ва енгилмаслигининг мустаҳкам гаровидир.

Республика байроғидаги Октябрь революцияси ордени — Россия Федерацияси халқларининг мамлакатни социалистик негизда қайта қуриш соҳасида қилган шонли ишларини Ватанимиз эътироф этганлигининг далилидир, деб сўзини давом эттиради нотиқ. Биз моддий ва маънавий бойликларни яратувчиларга, Совет Ватанимиздаги буюк тарихий ғалабаларнинг ижодкорларига — Россия ишчилар синфига, колхозчи деҳқонларга, меҳнаткаш зиёлиларга чуқур ҳурмат ва миннатдорчилигимизни изҳор қиламиз.

Биз, Октябрь революцияси орденини қабул қилиб олар эканмиз, биз эришган муваффақиятлар Россияда яшаган кишилар бир авлодинингина кураш ва меҳнати натижаси эмаслигини эсдан чиқара олмаймиз. Биз халқнинг озодлиги ва бахти учун курашганларнинг, Совет ҳокимияти учун курашда, Ватанимизнинг шон-шарафи ва мустақиллиги учун курашда ҳалок бўлган кишиларнинг порлоқ хотираси олдида бошимизни қуйи эгамиз.

Россия Федерацияси ленинча миллий сиёсат, катта ва кичик халқларнинг ҳуқуқий тенглиги сиёсати тантана қилганлигини яққол кўрсатувчи мисолдир. Бизнинг республикамизда Татаристон ва Бошқирдистон, Чувашия ва Удмуртия, Тува ва Якутия, Осетия ва Доғистон халқлари. хуллас Россия Федерациясининг барча халқлари тенг ҳуқуқли бўлиб, руслар билан қўлма-қўл ушлашиб, коммунизм қурувчилар билан бир сафда бормоқдалар. Россия Федерацияси халқларининг барча иттифоқдош республикалар халқлари билан иттифоқи ва дўстлиги бузилмасдир.

Совет Россияси бепоён ва бойдир. Унинг чексиз ерларида мамлакатимизнинг энг муҳим саноат ва қишлоқ хўжалик районлари жойлашган. РСФСР Совет Иттифоқидаги бутун саноат маҳсулотининг учдан икки қисмини ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг ярмидан кўпроғини бермоқда. Дарҳақиқат, шоир жуда ўринли айтганидек, Россия шу қадар буюкки, унинг устида қуёш ҳеч қачон ботмайди.

Қардош совет халқлари рус халқини ўзларининг оғаси деб атайдилар. Бу — фахрли ном бўлиши билан бирга, масъулият ҳам юклайди. Оғадан кўпроқ нарса талаб этилади, оғанинг зиммасига катта бурчлар ҳам юкланади. Биз рус халқи номидан, Россия Федерациясидаги барча халқлар номидан тантанали суратда айтамизки, мамлакатимиз халқларининг бузилмас дўстлигини бундан буён ҳам сақлаймиз ва ривожлантиравераmiz, Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг бирлиги ва қудратини мустаҳкамлай берамиз. Биз буни, ҳозирги барча ғалабаларимизнинг ва бундан буён қўлга киритадиган барча ғалабаларимизнинг мустаҳкам гарови деб биламиз.

Барча қардош республикаларнинг меҳнаткашлари Россиянинг Октябрь революцияси ордени билан мукофотланганлигини зўр мамнуният билан кутиб олганликлари бизни ғоят қувонтиради. Биз учун шонли воқеа муносабати билан қардошларча самимий табрикларини йўллаганликлари учун меҳнаткашларнинг коллективларига, партия, совет органларига, касаба союз ва комсомол ташкилотларига РСФСР Олий Совети Президиуми ва РСФСР Министрлар Совети номидан, Россия Федерацияси халқлари номидан қизғин ташаккур изҳор қилишга ижозат бергайсиз.

Г. И. Воронов яна бундай деди: Октябрь революцияси орденини республикамиз эришган улкан ютуқлар рамзи, деб қабул қила туриб, КПСС XXIII съезди хўжалик ва маданий қурилиш соҳасида қўйган буюк вазифалар ҳаммамиздан бу вазифаларни амалга ошириш учун зўр ғайрат билан ижодий иш олиб боришни талаб қилаётганлигини ҳам жуда яхши биламиз.

Шу сессияда Енгил саноат министрлиги ҳисоботининг муҳокама қилиниши саноатимиз ва қишлоқ хўжалигимиз тўхтовсиз ривожланиб бораётганлиги, улар олға қараб жиддий қадам қўяётганликлари билан бир қаторда республика ташкилотлари ва идоралари ҳамда уларга қарашли корхоналарнинг ишларида ҳали кўпгина катта камчиликлар борлигини кўрсатди. Депутатлар бу тўғрида яхши ва тўғри гапирдилар. Уларнинг танқидий мулоҳазалари ва таклифлари Россия Федерацияси Министрлар Советига, министрликлар ва идораларнинг раҳбарларига республика халқ хўжалигининг барча тармоқларига раҳбарлик қилишни яхшилашларига ёрдам беради.

КПСС Марказий Комитети саноатни бошқаришни яхшилаш, планлаштиришни такомиллаштириш, саноат ишлаб чиқаришини иқтисодий жиҳатдан рағбатлантиришни кучайтириш чораларини ишлаб чиқди. Бу чоралар ҳозир кенг кўламда амалга оширилмоқда.

Хўжалик ислоҳоти шароитларида саноат тезроқ ривожланиб, меҳнат унумдорлиги ва ишлаб чиқаришнинг рентабеллиги ошиб бораётганлигини, ишлаб чиқариш фондларининг самараси кўпайиб, техника жиҳатдан мукаммалроқ янги буюмлар ишлаб чиқариш яхши ўзлаштирилаётганлигини Россия Федерацияси мисолида яққол кўриш мумкин.

Эришилган муваффақиятларни мустаҳкамлабгина қолмай, балки кўпайтириш, республика халқ хўжалигидаги барча резервларни ишга солиш зарур эканлигини ҳам яхши биламиз. Бунинг учун, аввало, ҳар бир министрлик ва ҳар бир корхонанинг ўзлари учун белгиланган план топшириқларини бажаришларига эришмоқ зарур.

Партиянинг XXIII съезди ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини ҳар томонлама оширишни иқтисодий қурилишнинг актуал проблемаси сифатида илгари сурди. Шу муносабат билан ишлаб чиқарилаётган маҳсулот таннархини камайтириш, корхоналарнинг рентабеллигини ошириш, моддий ишлаб чиқариш, савдо-сотиқ ва маиший хизматнинг ҳамма соҳаларида зарар кўришга қарши курашни кучайтириш муҳим аҳамиятга эгадир.

Биз иқтисодий масалаларни илмий тарзда ҳал этиш зарур, деб кўп гапирамиз. Бу гапимиз жуда ўринли. Социалистик характерда бўлган планли экономикамиз ўзига илмий ёндошишни талаб қилади.

Ҳозирги вақтда республика меҳнаткашларининг кўпчилиги икки кун дам олинадиган беш кунлик иш ҳафтасига ўтди. Бу — халқимизнинг муҳим социал ютуғидир. Беш кунлик иш ҳафтаси меҳнаткашларнинг дам олиши ва маънавий юксалишлари учун яхши шарт-шароит яратиб беради. Шу билан бирга, ишчи ва хизматчиларнинг беш кунлик иш ҳафтасига ўтишлари корхоналарнинг ишидаги барча иқтисодий кўрсаткичларни яхшилаш учун ҳам қулай шароит вужудга келтиради. Аммо беш кунлик иш ҳафтаси шароитида меҳнат ҳамма жойда ҳам яхши уюштирилган, деб бўлмайди иш вақтининг нобуд қилинишига, машина-ускуналардан ўринсиз фойдаланишга йўл қўйилмоқда.

Партия ва совет органлари, хўжалик раҳбарлари ишни шу тарзда уюштиришлари керакки, барча корхоналарда иш вақтининг ҳар бир минутидан ғоят самарали фойдаланилсин. КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев Москва шаҳар партия ташкилотининг XIX конференциясида сўзлаган нутқида бундай деган эди: «...Партия ташкилотлари ва хўжалик раҳбарлари икки дам олиш куни тўғрисида ғамхўрлик қилганлари ҳолда беш кунлик иш ҳафтасига, бу кунлардан ишлаб чиқаришни янада юксалтириш манфаатлари йўлида энг самарали фойдаланишга ҳам жиддий эътибор беришлари лозим».

Қишлоқ хўжалиги ходимлари олдида катта вазифалар турибди. Уларнинг эътибори ҳозирги вақтда барча қишлоқ хўжалик ишларини уюшқоқлик билан ўтказишга қаратилган. Республиканинг кўп районларида ҳосил ўрим-йиғими ҳозирнинг ўзидаёқ қизиб кетди. Экинларнинг аҳволи ва дастлабки ўрим-йиғим шуни кўрсатадики, Россия Федерациясининг колхоз ва совхозлари бу йил 100 миллион тонна дон етиштириш юзасидан олган мажбуриятларини бажариб, давлатга пландан ташқари талайгина миқдорда ғалла сотиш учун барча имкониятларга эгадирлар.

Совет кишисининг бахт-саодати тўғрисида ғамхўрлик қилиш, дейди яна нотиқ, барча республика ва маҳаллий совет ҳамда хўжалик органларининг доимо диққат марказида туриши керак.

Партия КПСС XXIII съездининг мамлакатимиз ҳаётининг ҳамма соҳаларида Советларнинг ролини оширишга қаратилган йўлини изчиллик билан ўтказиб келмоқда. Ҳеч шубҳа йўқки, РСФСР Олий Советининг шу сессиясида РСФСР меҳнаткашлар депутатлари қишлоқ, посёлка Совети тўғрисида қабул қилинган қонун хўжалик ва маданий қурилиш масалаларини ҳал этишда уларнинг таъсирини анча оширибгина қолмай, балки маҳаллий Совет органлари барча бўғинларининг ишини янада яхшилашга ҳам хизмат қилади.

Бутун республикада В. И. Ленин туғилган куннинг 100 йиллигини нишонлаш мақсадида беш йиллик планни муддатидан илгари бажариш учун мусобақа кенг авж олдирилди.

Москва ва Ленинград саноат корхоналарининг меҳнаткашлари, улар кетидан бошқа область, ўлкалар ва автоном республикалар саноат корхоналарининг меҳнаткашлари беш йиллик планни Улуғ Октябрнинг 53 йиллигига қадар тўлиқ бажариш юзасидан ўз зиммаларига оширилган социалистик мажбуриятлар олдилар.

Г. И. Воронов нутқининг охирида бундай дейди: Депутат ўртоқлар, сизларнинг номингиздан, республикамиздаги барча халқлар номидан Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети ва Совет ҳукуматини яна бир марта ишонтириб айтаманки, улар ички ва ташқи сиёсатни амалга оширишда бундан буён ҳам рус халқининг, Россия Совет Федератив Социалистик Республикасидаги барча халқларнинг қудратли мададига қаттиқ умид боғлай оладилар. Шу сессияда кеча ва бугун ўз сайловчилари номидан гапирган депутатлар коммунистик ва ишчи партиялар вакилларининг Варшавадаги учрашуви якунларини муҳокама қилган КПСС Марказий Комитети Пленумининг қарорини тўла қўллаб-қувватладилар. Сессия бугун баёнот қабул қилди. Бу баёнотда депутатлар айтдиларки, Россия Федерациясининг меҳнаткашлари КПСС Марказий Комитети Пленумининг қарорини, социалистик мамлакатлар коммунистик ва ишчи партиялари делегацияларининг Варшавадаги учрашуви якунларини, шу учрашувда қардош партияларнинг Чехословакия Коммунистик партияси Марказий Комитети номига қабул қилган мактубини тўла ва бутунича маъқуллайдилар, КПСС Марказий Комитетининг халқаро сиёсат соҳасидаги сиёсий йўли ва амалий ҳаракатларини, социализм позицияларини мустаҳкамлашга қаратилган йўлини якдиллик билан маъқулладилар. Россия Федерациясининг халқлари Улуғ Октябрнинг зафарли байроғини ҳамиша баланд кўтариб борадилар, совет халқининг шонли революцион, жанговар ва меҳнат традицияларини кўпайтираверадилар, Совет Ватанининг иқтисодий ва мудофаа қудратини янада мустаҳкамлаш учун, мамлакатимизда коммунизмнинг тўла тантанаси учун зарур чораларнинг ҳаммасини кўрадилар.

Н. В. Подгорний билан Г. И. Воронов нутқлари зўр эътибор билан тингланди ва гулдурос қарсаклар билан бир неча бор бўлиниб турди.

Шу билан РСФСР Олий Советининг сессияси ўз ишини тамомлади. (ТАСС).

БУГУН — МЕТАЛЛУРГЛАР КУНИ

ЯХШИЛАР ИБРАТИ

Халқ оғзида: «Яхшини кўриб тақлид қилади, ёмонни танқид» деган гап бор. Бу кўп жиҳатдан Ўрозалига тегишлига ўхшайди. Нега десангиз, унинг ўзи деҳқон оиласидан чиққан. Кўз очиб деҳқончиликни кўрган. Отасига боғ яратишда кўмаклашган. Кейинчалик ишчиликка ҳавас қўйди.

Бу воқеа ҳам қизиқ бўлган. Олмалиқ шаҳри авжи кенгайиб, корхоналари кўпайиб, жамоли очилиб бораётган кезлар. Шаҳар шунчалик бўлишини Ўрозали 7- синфни бирга тамомлаган тенгқурлари билан шаҳарга тушганда кўрди. Ер-биродарлари завод-фабрикаларга, қурилишларга ишга кириб ишлай бошлашди. У ҳам тенгқурларига эргашди. Дастлаб ёғочни қайта ишлаш заводида дурадгорлик қилди. Бироқ, бу касбидан кўнгли тўлмай юрди. ...топган кон-металлургия комбинатининг транспорт цехига қарашли депода слесарь бўлиб ишлади. Сўнгра қурилиш...ларида арматурачилик касбини эгаллади.

...озу йўлдоши бўлган киши ...рилаб бораверади. Шу орзусига етмагунча кўнгли таскин топмайди. Ўрозали ҳам шундай бўлиб юрди. Кўнгли алланечук хижил, ўзига ишининг баракаси йўқдек туюларди. Аммо бу гапни қалбида сақларди. Бошқаларга айтишни, маслаҳатлашишни раво кўрмасди. Бировга айтса, гўё уни масхара қилишадигандек. Кунлардан бирида синфдоши Ўскан Ҳамроқулов билан ҳамсуҳбат бўлиб қолди.

Шу чоққача Ўрозали Маматов ўзига маъқул бўладиган касбни танлай олмаганидан афсусланиб юрарди. Ўзини-ўзи койирди. Синфдоши Ўскан унинг дардига малҳам бўлди. Яхши йўлга етаклади. Ўскан Олмалиқ мис эритиш заводи қурилишида ишлаган. Завод ишга тушиши билан мис эритиш печларида олов олдида туриб меҳнат қилишни касб қилиб олган. Бу касбнинг қийинчиликлари, завқи унга роҳат бағишларди. Ўрозалининг ишдан ишга кўчиб юриши синфдош сифатида Ўсканга эриш туюлар. Ҳатто бундан ҳижолатланарди. Ўрозалининг кўп ишхоналарга бош суқиши, муқим ишлаб қолмаслигига ўзини ҳам айбдор деб ҳисобларди.

Шунинг учун Ўрозали билан бафуржа суҳбатлашишга аҳд қилди. Ўсканнинг маслаҳатлари ва мис эритиш заводига кириб муқим ишлаб қолиш ҳақидаги даъвати Ўрозалига маъқул тушди. Мана ўшанга ҳам тўрт йил бўлиб қолди. Ўрозалини 1200 даража иссиқлик рўпарасида — конвертор печи ёнида учратдик. Қошлари қуюқ. Жуссаси унча катта бўлмаса ҳам билаклари йўғон, бақувватлиги мускулларидан сезилиб турибди. Чеҳрасидан тер қуйилмоқда. Бот-бот юзидаги тер доналарини артиб туради. Бу, печь иссиғининг тафти таъсиридан бўлса керак, коржомаси ҳам ўзгача. Прессланган жун газламадан қалпоқ ва уст-бош кийган. Бунинг сабаби, мабодо, печда қайнаб турган мис эритмаси учқунлари сачраб кетганда ҳам кишига зарар қилмас, намат сингари материалдан тикилган бу кийим оловни дарҳол сўндирар экан.

Конвертор печида мис қайнайди. Ўрозалининг вазифаси мис концентратларнинг печда химиявий реакциялар ёрдамида бир маромда эритилиши ва бу ҳақда ўз вақтида кран машинистига маълум қилиб, анод печига узатилишини таъминлашдан иборат. Бундай қараганда, ана шу жараённи бошқариш оддий бўлиб туюлади. Бироқ, юз печь олдида туриб, юз бераётган мураккаб химиявий жараённи дақиқа сайин сергаклик билан кузатиб туриш ҳар кимнинг ҳам қўлидан келавермайди. Аввалига ўзи ҳам ҳайрон бўлиб юрди. Ўскан унга далда берди. Иш жараёнларининг ўзига хос хусусиятларини ўргатди. Бора-бора бардошли бўлишга кўникди.

Печь мастери Алексей Кангр ҳам унга ҳамкор бўлди. Ўрозали мастернинг ўзига меҳрибонлиги ва жонкуярлигини кўриб, сезиб «яхшининг ибрати бундан ортиқ бўлмас» деб қўярди. Дарҳақиқат, корхона янги бўлишига қарамасдан, унда ишловчилар жуда аҳил, бир-бирига меҳрибон, дилкаш эди. Бир йилдан сал кўпроқ ўтар-ўтмас Ўрозали ўзини корхонада эркин ҳис қила бошлади. Каттани ака, кичикни ука деб кетди. Касбига меҳри ортиб борди.

Кейинги йилларда Ўскан Ўрозалининг шу корхонада муқим ишлаб қолишига ишонч ҳосил қилди. Чунки, у билмаганларини сира ийманмасдан, Ўскандан, мастери Алексей Кантрдан сўраб-суриштираверади.

Ўскан Маматов республикамиз рангли металлургиясининг маркази Олмалиқда меҳнат қилаётганидан фахрланади. Энди у ўзининг бор кучи ва маҳоратини металлургиянинг ривожланишига сарф қилишга бел боғлаган. Корхоналарда ишлаб, иккиланиб юрганлари бир ўтмиш бўлиб қолди. Энди ҳақиқий металлург бўлиш ҳаракатида. Кечки мактабда билим олмоқда. Уни тамомлагач, политехника институтининг кечки бўлимига кирмоқчи. Металлург-инженер бўлиш — Ўрозалининг энг эзгу нияти.

Ўрозали мис эритиш заводи шаҳарнинггина эмас, республикамизнинг энг сердовруғ корхоналаридан бири эканлигига қаноат ҳосил қилиб қолганлиги бежиз эмас. Завод ишга тушганига ниҳояти 4 йилу 7 ой бўлди. Шу муддат мобайнида корхонада маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми қарийб икки баравар кўпайди. Мис эритишнинг илғор ва прогрессив усуллари жорий қилинмоқда. Ўрозали илғор тажрибаларни ўрганиб бориш натижасида ишлаб чиқаришда юқори кўрсаткичларга эришмоқда. Металлурглар байрами шарафига оширилган мажбуриятлар олиб ишлаётганлар мусобақасида у ҳам фаол қатнашди. Мана бугунги кунда Ўрозали Маматов республикамиз, мамлакатимиз металлурглари билан бир сафда туриб, байрам шарафига олган мажбурияти муваффақиятли адо этилганлиги ҳақида ғалаба рапорти бермоқда. Мис эритувчи усталар бағрида пишиб, етилиб, илғор тажрибаларни кунт билан ўрганиб бораётган Ўрозали Маматов етти ойлик планини муддатидан илгари бажарди. Бу, унинг металлурглар кунига муносиб тортиғи.

Ўрозалига яхшилар ибрат бўлди. Дўсти Ўсканнинг ва устаси Алексей Кантрнинг яхшиликларини бир умрга унутмайди. Энди у иш жойини ўзгартирмасликка аҳд қилган.

Ж. ХОЛҚОСИМОВ,

«Совет Ўзбекистони» махсус мухбири.

МУТАХАССИС МАСЛАҲАТИ

БОҒЛАРНИ ВАҚТИДА СУҒОРИНГ

Боғлар ва токзорларни вақтида суғориш, мўл-кўл ва ширин-шакар мева ҳамда узум етиштиришга қаратилган энг муҳим агротехника тадбири ҳисобланади. Боғларга, токзорларга ёз ойларида кўпроқ сув таралишнинг аҳамияти айниқса каттадир. Негаки, мевали дарахтлар ва токлар вақтида қондириб суғорилмаса, иссиқда қовжираб, яхши ўсмайди, турли касалликларга чалинади, мева ва узумнинг шираси бўлмайди, ҳосил олишдан кечикади. Ҳатто ҳосилини кўплаб тўкиб юборади. Бунга йўл қўймаслик учун мевали дарахтлар ва токларни сувдан сира толдирмаслик керак.

Мевали дарахтлар ва токларнинг ўсиши ҳамда узум ва мевасининг йирик бўлиши кўп жиҳатдан об-тобида сув қўйилишига, хусусан, ёзда суғориш ва бошқа агротехника тадбирларини амалга ошириш йўли билан боғлар ҳамда токзорларда намнинг доим етарли сақланишига боғлиқ. Мевалари йириклашаётган пайтда қондириб суғорилган боғларда, узумлари тўлишаётган кезларда меъёрига етказиб сув таралган токзорларда келгуси йил учун ҳосил куртаклари мўл бўлади. Бу даврда дарахт ва токзорнинг сувга бўлган талаби ҳам ортади. Бу талаб қанчалик вақтида қондирилса, тупроқдаги озуқа моддалари сувнинг кучи билан шунчалик яхши эриб, дарахт ва ток танасига кўпроқ тарқалади ҳамда ўзида доим бугланиб туради. Натижада ҳосил куртаклари кўпаяди, келгуси йил учун пухта замин яратилади.

Токзорларни ва боғларни ёзда суғоришнинг афзал эканлиги кўп йиллик тажрибаларда, илмий-текшириш муассасаларининг узоқ кузатишларида синаб кўрилгандир. Академик Р. Р. Шредер номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институтида ўтказилган тажрибалар суғориш дарахт танаси айланасининг 2,5-3 марта, навдаларининг ўртача 1,5 марта ўсишига, ҳосилдорликнинг эса 1,5—2 марта ошишига ёрдам беражагини кўрсатди. Мевалари йирик ва рангдор бўлади, камдан-кам тўкилади. Боғ ва токзорлар қондириб суғорилса, ўсимлик илдизлари 1,5-2 метр чуқурликка тарқалади. Бунда ўсимлик анча вақтгача сув талаб қилмайди.

Агрономия фани талабларига кўра, мева ва узум тўлишаётган чоқларда даладаги нам тупроқнинг оғирлигига нисбатан 70-80 процентдан кам бўлмаслиги шарт. Бунинг учун боғлар ёз фаслида 3-4 марта, токзорлар эса 2-3 марта суғорилса кифоя қилади. Ёш боғ ва токзорлар тупроқ хоссаларига қараб 12-13 марта суғорилади. Қачон суғориш кераклиги, ҳавонинг ҳароратига ва ўсимликнинг талабига қараб белгиланади. Боғларга ва токзорларга июлнинг қолган кунларида бир марта, августда икки марта сув таралса мақсадга мувофиқ бўлади. Ёш боғларга ҳар ойда 3-4 марта сув қўйилади.

Сув нормаси боғлар ва токзорларнинг ҳосилдорлигига қараб белгиланади. Ҳосилдор боғлар ва токзорлар ҳар сафар гектарига 800 кубометрдан то 1200 кубометргача сув қўйиб суғорилади. Сентябрнинг ўрталаридан бошлаб боғ ва токзорларни суғориш тўхтатилади. Акс ҳолда навдалар ўсишда давом этиб, кузда бевақт тушадиган совуқдан зарарланади. Бунинг натижасида келгуси йил ҳосилига путур етади.

Ер ости сувлари юза жойлашган боғ ва токзорларни суғоришда жуда эҳтиёт бўлиш керак. Токи сизот сувлар юқори кўтарилиб, тупроқни янада захлатиб юбормасин, меваларига зарар етказмасин. Узумни чиритиб юбормасин, сифатини бузмасин. Тупроқнинг юза қатлами қаттиқ ва шағал бўлган токзор ҳамда боғларни суғоришда ҳам ҳушёрлик кўрсатиш, яъни бу тадбирни ерга солинган ўғитни сув ювиб кетмайдиган қилиб ўтказиш лозим. Шу мақсадда бундай участкалардаги боғ ва токзорларни камайтирилган норма билан — гектарига 300-400 кубометрдан сув қўйиб тез-тез суғориш, сувни жилдиратиб оқизиш зарур. Одатда шўр ерлардаги боғ ва токзорларга сув марзалар олиб таралади. Шундай қилинса, зарарли тузлар пастга тушиб кетади. Суғоришдан кейин ер етилиши билан тупроқни дарҳол юмшатиш керак. Бу — тупроқда намни тўла сақлаб қолиш имкониятини беради.

Республикамизнинг кўпчилик хўжаликлари боғ ва токзорларни меҳр билан парвариш қилиш, вақтида қондириб суғориш ва бошқа агротехника тадбирларини пухта ўтказиш орқали ҳосилдорликни йил сайин оширмоқдалар, тобора мўл-кўл узум ва мева етиштирмоқдалар. Илғорларнинг бу фойдали тажрибаси ҳамманинг мулки бўлиб қолсин, барча боғдорчилик ва узумчилик хўжаликларида ҳосилдорлик йил сайин ошсин, ширин-шакар мева, ширали узум кўплаб етиштирилсин.

Ҳ. ҒУЛОМОВ,
қишлоқ хўжалик фанлари кандидати.



Сирдарё районидаги «Қизил Октябрь» колхозининг Хушвақт Узоқов бошлиқ бригадаси пахтакорлари ғўзани машина теримига мослаб парвариш қилмоқдалар. Ҳозиргача бригаданинг 70 гектар пахтазорида ғўза икки марта озиқлантирилди, қатор оралари беш марта ишланди. Суратда: бригада далаларида ғўза парвариши пайти.

А. Тўраев фотоси.

Ҳар тўғрида бир шингил

ФАРҒОНА. Қува районидаги Карл Маркс номли колхоз марказида Владимир Ильич Ленинга ҳайкал ўрнатилди.

А. АБДУБАНАЛОВ.

<> <>

САМАРҚАНД. Булунғур районидаги «Улуғбек» совхозида кинотеатр, кутубхона, болалар боғчаси ишга туширилди. 650 бола ўқийдиган мактаб биноси қурилиши тугай деб қолди.

С. ҲАМРОЕВ.

<> <>

АНДИЖОН. Ленин районидаги Куйбишев номли колхоз аъзоларининг истаклари қондирилди. Уларнинг колхози энди атоқли адиб, шоир Ойбек номи билан юритилади.

М. РАҲИМҚУЛОВ.

Областдаги «Октябрь 50 йиллиги» колхозининг аъзоси Содиқжон Собиров Ўзбекистон 3-пул-буюм лотереясининг 32995 номерли 006 серияли билетига «Волга» машинаси ютиб олди.

Х. ҲАЙДАРОВ.

<> <>

ТОШКЕНТ. Калинин районидаги Охунбобоев номли колхозда янги стадион қурила бошланди. Стадионда чопиш йўлаклари, волейбол, баскетбол майдонлари ҳам бор.

Ю. БАҲОДИРОВ.

СЎЗ ГАВҲАРИ

ҲИКОЯ

Бир неча кундирки, Ақида опа ўринда ётибди. Оби ҳавонинг ноқулай келиши унинг шаштини сусайтирди. Шунга қарамай маҳалла аҳолисининг тинчлигини хаёлидан ўтказарди. Хаёл ўтмай эшик тақиллади. Юпин кийинган, қўлида ўғилчаси билан ёшгина жувон Кумуш кириб келди.

—Салом опажон, тузукмисиз, маҳалла идорасига чиқсам, уйларида дейишди.

— Ҳа, бир оз тобим келишмай турувди. Марҳамат. Ўтиринг, яна нима гап, тағин хафачиликми?

—Кўриб турибсиз, шу аҳволда ҳайдаб юборишди.

— Ким?

—Қайнонамлар. Гуноҳим пиёлада. Мана шу ўғлимга сув берган эдим, идишни макруҳ қилдинг деб отиб синдирдилар.

—Шу ҳам гап бўлдими?

—Ҳар нимани баҳона қилиб койийверадилар.

Кумуш ўзини тутолмади, чунки сабр-косаси тўлганди. Бу сўзлар Ақида опанинг ҳароратини муздек терга айлантирди. Пешанасини артиб гап бошлади:

—Қизим, кўз ёшларингизни артинг. Куёв билан қалайсиз?

—Улар ҳам ойим нима десалар шу маъқул, мени десанг онамнинг чизиғидан чиқмайсан дейдилар. Мени ўғли олганми ёки онасими?

—Менга қаранг, ёшлик қилаётибсиз, енгил бўлманг, ўзингизни босинг, куёв тўғри айтибди. Аҳил яшаш керак. Қайнонангиз сизга оналик тарбиясини бермоқчидир. Менимча, сиз ёшлик тарбиясини бузяпсиз. Мана сизга мисол: бир тахта қоғозни олайлик, шамол учириб қаёқларга олиб бориб, пора-пора қилмайди дейсиз. Шу сўзларнинг маъносини чақинг. Гул тикансиз, турмуш тумансиз бўлмайди. Қудуқ қазимасанг сув бўлмас, тилни тийсанг-дил оғримас. Бу мақолларни доноларимиз айтиб ўтган. Ўзингизни тузатинг. Ёш деган оилада ўзини тутиши керак.

Болани яслига беринг, ишга киринг, ҳарҳаша камроқ бўлади. Ҳамма фабрика ва заводларда одам талаб қилишяпти, кам бўлмайсиз. Қайнона билан бўлар-бўлмасга ади-бади айтишиб, асабни бузиш ярамайди. Уйингизга қайтинг, катталардан бир парда пастроқ юринг, қайнонангизни ўнг қўлингизга, куёвни эса сўл қўлингизга олиб, улар қалбининг оташи бўлинг. Ҳурмат қилсангиз иззат оласиз, қайнонангизга фарзандлик қилинг. Шу оиланинг офтоби, гулисиз, ҳар қанча совуқ сўзларни илиқ бол тилларингиз билан эритишингиз керак. Ўз бурчингизни унутманг. Сиз яхши-одам яхши. Оилага ёқдим, элга ёқдим деганлар. Албатта бориб, хабар оламан.

Шу пайт Ақида опанинг келини ишдан қайтди

—Ассалому алайкум ойижон, тузукмисиз? Келин келиб унинг бошини ушлар экан деди: —анча руҳингиз енгилга ўхшайди, бирам ҳавотир бўлдимки, қандай ишлаганимни билмайман, бир соат олдин сўраб келдим.

Дарров уйда кийдиган кийимларини кийиб чиқди:

—Ойижон дорингизни ичинг,—термосдан чой қуйиб пиёлани узатди. Нима овқат қилиб берай?
—Қизим, ўзингиз биласиз, нима пиширсангиз ҳам майли.

Бу муомалани кўриб, эшитиб ўтирган Кумуш ўрнидан туролмади, икки юзи қизариб, ўнғайсизланди.

Мана ҳурмату, мана иззат. Мен ҳам инсон фарзандиман-у, наҳотки, ўзимни қўлга ололмасам. Яна ўзига ишонч билдириб, бошидан тоғ кўтарилгандек енгил тортди.

Кумуш кетгач, Лазокат қайнонасидан:

—Ўзи нима гап, ойижон?—деб сўради.

—Ҳа, қизим олам одам билан гўзал бўлса, одам ширин тили билан. Ёш деган бир гапдан қолса, олам гулистон. Лекин Кумуш шунақа қилмаяпти.

Эшикдан кимдир кириб келди,

— Безовта қилдим узр, Ақида опа.

— Ҳечқиси йўқ, марҳамат ўтиринг. Нега ҳафа кўринасиз, Қодиржон?

—Йўғей, ундақа эмас...

—Келмадими?..

—Ким?

—Келинингиз, — Ақида опа ўзини билмасликка олди,

—Ойим билан ғижиллашиб, кўчага чиқиб кетибди, энди бизларнинг турмуш бўлмайдиганга ўхшайди. Хотин деб онадан кечмайман, судга берсин, мендан нафақасини олаверсин бўлди энди.

Ақида опа уни юпатди:—ҳафа бўлманг, тузалиб қолар, ҳали ёшда, тартибга солиб оламиз.

Қодиржон бўғилиб деди:

—Уч йилдан бери одам қилолмадим, ишдан келдим дегунча қулоғимда шақилдоқ чалинади: ижарага уй олиб кетамиз, бу уйда ортиқча туролмайман,—дейди. Менинг онам унинг ҳам онаси эмасми? У келганда ҳеч нимада йўқ эди, онам кир ювишни, машина тикишни, овқат қилишни, ўзлари билган ҳунарларни ўргатдилар.

—Онангизнинг, келиннинг қўлга олиш сизнинг бурчингиз. Эркак доно бўлса, хонадонининг роҳати! Нафақа бериш ўнғай, сизгаям, келингаям ёр топилаверади, аммо болага ота топилмайди. Ҳар кимсанинг фарзанди ўзига буюрсин, Опаси нодонлик қилманг, келин сизни севади, қўшақаринглар. Келинни ишга киритиб кўйинг—эру-хотин қўш ҳўкиз деганлар, ишдан келганда уй ишига кўмаклашинг, бир бирларингизга бўлган муҳаббатни ҳурматланг, келинга нисбатан муомалангизни иссиқ қилинг. Сизу-бизда маъно кўп. Ана шундай иш тутингчи, қандай бўларкин.

Қодиржон ўрнидан турди.

Ақида опа кўзини юмар экан ўзини арғимчоқда тебранаётгандек ҳис қиларди У касалини ҳам ортиқча ўйламай қолди. Чунки маҳалланинг ташвиши унинг бошида. Фурсатни узоққа чўзмади, чамасида бир ҳафта бир йилдек ўтди. Ақида опа Қодиржонлар эшигига яхши ниятлар билан қадам қўйди. У ўз кўзига ишонмади. Бироқ эшик ёнида тўхтаб қолди. Нон тахта ясатилган тўрт қават поёндозни қалбида Умида хола неварасини эркалатиб, бағрига босиб ўтирибди. Қодиржоннинг қалби баҳор, оғзи қулоғида, қўлида чойнак пиёла, ошхонадан чиқиб келди, унинг кетидан хандон уриб, иккита коса кўтариб, Кумуш чиқди.

Умида хола мулойимлик билан деди:

—Болам, муричингизни унутманг.

—Хўп бўлади, ойижон.

Ақида опанинг севинчи ичига сиғмади. Кумуш қайтишида Ақида опага кўзи тушди.

—Вой, ўзим ўргилай опажонимдан, қаердан офтоб чиқди. Ойи, Қодиржон ака, меҳмон.

—Ие, ие, ассалому алайкум, опа келинг. Вой сиздан ўргилай Ақидахон, нечук, қани ўтиринг.

—Шундай бир кўргим келди,—деди Ақида опа.

—Яхши қилибсиз, дўст киши овқат устига келади. Қани дастурхонга марҳамат. Мана Кумушхон ҳам ишга кирдилар. Ҳа, опажон шундай бўлди.

—Бола яслига берилдими?

—Болани ҳеч кимга бермайман, қариган чоғимда эшик санайми, кучим борича эрмагим ўзим билан бўлади.

—Жуда соз.—Она-бола деган мана бундай бўлади, ўтган ишга саловат.

М. САЙФУЛЛАЕВА.

АСОСИЙ ҲОСИЛ— МАШИНАДА

Учқўрғон районидаги «Коммуна» колхози пахтакорлари машина теримининг хўжалик учун иқтисодий жиҳатдан қанчалик фойдали эканини ўз тажрибаларидан яхши биладилар. Колхозда йил сайин машина теримига зўр берилялти. Лоақал кейинги йил натижасини олайлик. Хўжалик пахтакорлари бултур 1.220 гектар майдоннинг ҳар гектаридан пландаги 26.4 центнер ўрнига 28.2 центнердан ҳосил олдилар. Шу ҳосилнинг 2.430 тоннаси машиналарда терилди. Йиллик даромад 1 миллион 177600 сўмни ташкил этди.

Бу йил колхоз ялпи ҳосилнинг 85 процентини машинада теришни планлаштирган. Шу ҳисобга камида 61 минг сўм маблағни тежаш мўлжалланган.

Одатда, колхозда машина теримига ҳозирлик ерни чигит экишга тайёрлашдан бошланади. Ҳосили агрегатларда териладиган карталар яхшилаб текисланади, кесаклар майдаланади. Чигит экиш давридаёқ ҳар бир механизаторга ҳосилни машинада териб бериш учун маълум карталар қишлоқ хўжалик мутахассисларидан ташкил этилган махсус комиссиянинг акти билан биркитилади. Механизатор чигитни экади, уруғни ундиради, ғўзани машинабоп қилиб ўстиради ва ниҳоят ҳосилни машинада йиғиштириб беради.

— Маълумки, партия ва ҳукуматимиз, — дейди колхоз раиси Бойдада Усмонов, — пахтачиликни янада кенг механизациялаштириш, унинг энг сермеҳнат тармоғи — пахта теримини машиналаштириш тўғрисида тинмай ғамхўрлик қилиб келмоқдалар. 1968—1969 йилларда машина теримини кенг йўлга қўйиш ва давлатга биринчи сорт пахта топширилишини кўпайтириш учун механизаторлар бу қарор бўйича янада моддий рағбатлантирилади. Энди хўжаликда биринчи ва иккинчи машина теримида терилган ҳосил шу хўжалик учун белгиланган машина терими планининг 40 процентидан ошса, у ҳолда давлатга топшириладиган ҳар бир тонна пахта учун яна 40 сўм қўшимча ҳақ тўланади. Шу ҳисобга олинадиган қўшимча ҳақнинг 50 проценти механик-ҳайдовчилар ва машина терими билан боғлиқ бўлган бошқа кишиларни мукофотлашга кетади.

Биз мана шу қарорни ҳам бутун пахтакорлар, механизаторларга кенг тушунтирдик, уларнинг моддий манфаатдорлиги янада ошишини уқтирдик. Бу ҳам механизаторларимизнинг меҳнат активлигини оширди. Ҳар бир механик-ҳайдовчи мавсумда ўртача 90 тоннадан кам пахта термасликка қарор берди. Бу йил ҳар бир терим агрегатининг мавсум нормасини ўртача 95 тоннага етказамиз.

Колхоз правлениеси ва партия ташкилоти мутахассислар билан ҳамкорликда ҳозирданоқ ҳар бир механик-ҳайдовчининг терим мавсумида юқори унум билан ишлашини таъминлашга қаратилган тадбирларни ишлаб чиқяпти.

Колхоз меҳнаткашлари шонли беш йилликнинг учинчи йилида давлатга 3.200 тонна пахта етказиб бериш мажбуриятини олганлар.

Ш. СИДДИҚОВ.

ЯНГИ ҚЎШИҚЛАР

ИШҚ УЙҒОТАР

Дилбаримнинг ҳуснига олам боқар.
Шўъласи тушган юракка ўт ёқар.
Гул юзида ой каби доғ топмадим,
Излаган доғ лола бағридан топар.
Зулфи зулматдан ҳикоят этса ҳам,
Кўзларидан мардумига нур оқар.
Тишлари бир қисса, достондир қоши,
Лаъли лаблар бодаси ишқ уйғотар.
Соя солган юзга киприк остида,
Баркамол гулғунчадек холи ётар.
Қўлда ноҳин чертса танбур торини,
Завқи-шавқидан фалакни йиғлатар.
Куйлашиб Маъруф ила гулшанаро,
Ўтса дилдор, тун ярмида тонг отар.

ЁР ХОЛИ

Парпираб ёнган нигорим холидир.
Холки, давлат боши, ёр иқболидир.
Лаъли лаблар чашмаси оби ҳаёт,
Жонга офат—кўз, қилич — ҳилолидир.
Белму танбур торининг бир толими,
Ёки наққош, ё кулол хаёлидир.
Ораз орзусида чиққан янги ой,
Икки рухсорига қўнган холидир.
Тунда эсган эркалаб дилдорига,
Мушку анбар кокилин шамолидир.
Мардуми Маъруфни хумор айлаган,
Ҳусни оламтоби ёр висолидир.

Маъруф НАЗАРОВ.

Асл деҳқон машина теримига ҳозирдан пухта тайёрланяпти. «Узсельхозтехника»нинг Бухоро район бирлашмаси коллективи пахтакорларга катта мадад бермоқда. Бу ерда биринчи августга қадар 222 та «занғори кема» тўла ремонтдан чиқарилади. Шу кеча-кундузда ремонт ишлари қизғин тус олган. Суратда: Бирлашма ремонтчиларидан Жўра Наврўзов ва Раҳмат Қодиров ўртоқлар.

С. Безносов фотоси.

РЕДАКЦИЯГА ХАТ

ЧИМГОНГА ҚАНДАЙ ЕТАМИЗ?

Чимгон ва Бурчмуллада дам олиш уйлари, пионер лагерлари, мириқиб ҳордиқ чиқарадиган боғ-бўстонлар кўп. Айниқса шанба ва якшанба кунлари оромбахш жойларга борадиган кишилар кўпаяди.

Афсуски, Чимгон ва Бурчмуллага борадиган дам олувчилар, шунингдек, дам олиш уйидаги қавм-қариндош, пионер лагерларидаги фарзандларини кўришга борадиган ота-оналар йўлда кўп қийналаётирлар.

Чимгон — Бурчмулла маршрути бўйича 1 июлгача Чирчиқ автобазасининг ўнта машинаси қатнар эди. «Йўл ёмон» баҳонаси билан сўнгги вақтда бешта машина қатнайдиган бўлди. Бу беш машина ҳам фақат рўйхатдагина бўлиб, асосан 1-3 машина қатнаётир. Ўтган шанба ва якшанба кунлари биттагина машина қатнади.

Биз Чимгондаги лагерда дам олаётган болаларимизни кўргани таксида боришга мажбур бўлдик. Йўли ёмон дейишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Чунки, турли маркали машиналар, юк машиналари, «Москвич» машинаси ҳам бемалол Чимгон ва Бурчмуллага қатнаётир. Чирчиқ автобазасининг айби билан машиналар вақтида йўлга чиқарилмаётир. Яна бизни шу нарса ажаблантирдики, Чимгон ва Бурчмуллага асосан Тошкент шаҳар аҳолиси чиқади. Тошкент автотрести эса шаҳар аҳолисининг у томонга бориши учун битта ҳам машина ажратмаётир.

М. РАСУЛМУҲАМЕДОВ,
Ҳамза район пишчеторгининг ходими.
Р. ЖУРАЕВА,
ўқитувчи.
С. АЙВАЗОВА,
Тошкентдаги 69-қурилиш бошқармасининг инженери.

ЧАКАК

ФЕЛЬЕТОН

Маҳаллада дув-дув гап юриб қолди:

— Латифжон Сотимни тузлабди, тузлагандаям копчённий қилибди.

— Қайси Латифжон? — сўрайди эшитмаганлар.

— Анави, рассом йигит борку?

— Бэ, уми. Сотим чакакка нонушта бўлмас. Бир чўқишда бор патини юлиб олар!

Дарҳақиқат, Латифжон жуда ювош йигит, камгап, сўзи пахтадек юмшоқ. Чакак эса битта бўш қулоқ топилса бас, кўчада туриб ўтганнинг ўроғи, кетганнинг кетмонини олиб беради. У кўпинча уч кўча бошида сўппайиб, қоққан қозиқдек туради, баъзан симёғочга суяниб чўкка тушиб ўтиради. Қора китель — шимидан аччиқ тамаки ҳиди анқийди, лабида муштук мўридек тутагани-тутаган. Юзи қурум босгандек нурсиз. У Латифжонни кўрди, узоқдан жилмайиб сўрашади. Унинг пўрим юришига, қўлидаги қўшқулоқ портфелига ишқи тушгандек тикилиб қараб қолади. Латифжон эса ўзидан катта одамнинг унга гал бермай олдин «Ассалом» деганидан хижолат бўлади, аммо унга бирон нарса дейишга ийманади.

Якшанба эди. Латифжон гузарда айланиб, чойхонада шахмат ўйнаётганларни томоша қилиш учун кўчага чиқди. Муюлишда ҳалиги одам уни чақириб қолди.

— Онгингиз ўссин, жигар, — деди у Латифжоннинг қўлларини омбирдек сиқиб. — Тошхўжанинг қайниси бўласиз-а? Ҳа, балли! Исмингиз Латифжон! Етоқда турмай қариндошларингиз бағрига келиб, заб иш қилибсиз! Ақлингиз бор экан. Етоқда не ишлар бўлмайди?

Латифжон унга эътироз билдирмоқчи эди, лекин чакак сўз жиловини суриб кетди.

— Бир гап айтмоқчиман. Бу, жигар... маҳаллада ҳар хил одам бор. Бирининг тили узун, бирининг қўли. Мана шу... Сизнинг бош яланг юрганингизни ҳам гапирадиганлар бор. Молнинг оласи сиртида, одамнинг оласи ичида.

Сотим елкасини учириб қўйди. Атрофга аланглаб, асташивирлади:

— Жигар, сизга айтсам дунё жойида турибди: кун машриқдан чиқиб, мағрибга ботяпти. Замон яхши. Аммо одамларга ҳайронман! Шундай расволар ҳам борки, онадан беш бармоқ билан туғилганидан хафа. Бармоғи олтита бўлса-ю, бири билан бошқаларнинг товоқини чўқилаб ўтирса. Ана шунақалардан худо асрасин! Чойхонага кетяпсизми? Мен ҳам борай, бир пиёла чой ичайлик.

Юришди. Кўчанинг у бетида уларга қарши озода кийинган, қаддини тик тутган бир мўйсафид келарди. Сотим узоқдан букилиб салом берди, икки қўллаб кўришди. Латифнинг назарида чолнинг бағрига зарпечакдек чирмаша кетди.

— Отахон, омонмисиз? Укалар, жиянлар яхшими? Ўзингизнинг сиҳат-саломатлигингиз? Маҳалламиз толеига узоқ яшанг! Бу, жигар билан чойхўрликка кетяпмиз. Юринг, хизматингизда бўлай.

— Қуллуқ!

Чол мийиғида кулиб ўтиб кетди. Унинг қораси ўчар-ўчмас, Сотимнинг қовоғи ерга теккудек осилди. У ғазабнок гапирди.

— Кўрдингизми? Тиржаяди! Ўта кетган аблаҳ одам. Ҳаромхўрнинг пири, чўчқани чайнамай ютади. Маҳаллада биронтаси кирга сув иситса, ис чиқди, деб эшигидан бош суқади...

Латифжон одимини тезлатди. Улар кетма-кет чойхонага киришди. Одам сийрак. Бир чеккада икки-уч киши. Бир томонда икки ўсмир шахмат ўйнаб ўтирарди. Латифжон ўша томонга юрган эди, Сотим уни тўхтатди.

— Дераза томонига ўтинг, кўчани томоша қилиб ўтирамиз.

Чойхоначи, сал оқсоқ киши, жўмраги учган чойнакни олиб келиб Сотимнинг олдига «тақ» этиб қўйди. Латифжоннинг назарида у моҳов товоғингни ол, дегандек бўлди.

— Чойхонага сон тегмади. Чойнакни мажруҳ қилиб, қопқоғига ип боғлаганини нимаси!?

— Чакагингни очма, чойни ич! — деди унга чойхоначи.— Сенга нима ёқади? Тилингни суғириб олган савобга қолади.

Башарангни кўрмай дегандек у эшикка чиқиб кетди.

Сотим чойни қайтарар экан, тутоқди:

— Қуримсоқ! Ношукур одам. Бешта ўғли бор. Бари катта ишда. Ҳар бири юзта отани боқишга қодир. Бизда иккита шунақа азамат ўғил бўлса, уйда оёқни узатиб ётардик. Бу бўлса тентираб...

Чойхоначи остонада кўринди. Сотимнинг гапи оғзида қолди. У Латифга чой узатиб, гапни бошқа томонга бурди:

— Жигар, дунёда ичи қоралик ёмон. Қайси куни неварамга онаси велосипед олиб келган экан. Қўшнимизнинг муштдек ўғли чиқиб «Велосипедни қаердан олдинглар?» деб мени сўроқ қиляпти. Бу тирмизак бунақа гапни қаёқдан билсин, отаси айтган, онаси ўргатган. Қўшним ўзи икки жойда ишлайди. Яна ҳовлисида гулчилик қилади. Бизнинг у билан ишимиз йўқ. У бўлса ковлайди. Уни асфаласофилин қилворгим бору, яна астоғфирулло деймани. Ёмонликка олсам, илдизини қуритаман. Куёвимнинг тоғасининг қизининг қўшниси милиция бошлиғи. Уйини биламан. Бу ёғи бир оғиз гап: айтсам борми!

Мана шунақа бидир-бидир. Сотим Латифжонни кўчада учратди, ушлаб олиб, сайрагандан-сайраган. Чойхонада кўриб қолса текин қулоқ топилганидан оғзи қулоғига етади. Чеккага тортиб яна ўша ямоқ гаплардан олади.

У Латифжоннинг жонига тегди. Кунлардан бирида Латифжон чойхонада ўтирарди. Сотим қаердандир пайдо бўлиб унинг ёнига келиб қисилди. Бошлади! Латифжон бир оз чидади, сўнг ёнидан бир варақ қоғоз олиб чойнакнинг қопқоғига қистирди-да, ўзи шахмат ўйнаётганлар томонига бурилиб олди. Сотим эса кўр қориндек бетиним сайрарди. Бир вақт чойхоначи келиб чойнак қопқоғига қистирилган қоғозга қаради.

— Яша шоввоз! — деди у.

Сотим чўчиб, кўзини очди, чойнак қопқоғидаги қоғозга бўзрайиб тикилди. Унда каттакон шалпон қулоқнинг сурати жимжима қилиб чизилганди. Чойхонада гулдурос кулги кўтарилди.

Сотим жон-жаҳди билан қоғозни мижиқлаб отди. Алланарса деб тўнғиллаб чиқиб кетди. Эртаси кун у муюлишда кўринмади. Чойхонага ҳам чиқмади. Кимдир тоби бўлмаганини айтди.

— Ёмон тузалдингиз, Латифжон, — деди чойхоначи рассомга. — Ҳафа бўлиб қон босими ошиб кетганмиш. Ястиқдан бош кўтарса сизни судга беради.

— Тўнғиз қўпсин! — деди кимдир.

— Агар тузалиб сизга гиринг деса, — гапга аралашди кимдир, — чакакнинг карикатурасини катта қилиб чизинг, чойхонага осиб қўямиз.

— Моҳов ўз турқидан қиркан, икки нусха чизинг, — деди чойхоначи унинг сўзини маъқуллаб. — бирини уч кўча муюлишига осиш керак!

Латифжон одатидек индамай жилмайиб қўйди.

Неъмат ЁҚУБ

«ФЕСТИВАЛЬ» ПОЕЗДИ

Тошкент пассажир станциясида «Фестиваль» поезди ташкил қилинди. Бу поезд 22 июль куни Тошкентдан Софияга—ёшлар ва студентларнинг IX жаҳон фестивалига йўл олади.

Ўрта Осиё темир йўли пассажир ташиш хизматининг бошлиғи ўртоқ Ғулом Заҳриддинов «Фестиваль» поезди ҳақида бундай деди:

—Фестиваль қатнашчилари ҳамма қулайликларга эга бўлган комфортабелли вагонларда кетадилар. Вагонлар ҳавони алмаштирадиган аппаратлар билан таъминланган. Шахмат-шашка, теннис ўйнаш учун алоҳида вагонлар ажратилган. Ресторан ва буфетлар фестиваль қатнашчилари хизматида.

ЁШЛАРНИНГ ЖАҲОН ФЕСТИВАЛИ ҚАТНАШЧИЛАРИ ТОШКЕНТДА

Ёшлар ва студентларнинг тўққизинчи халқаро фестивалига бораётган Цейлон ва Непал ёшларининг вакиллари 19 июлда Ўзбекистон пойтахтига келдилар. Тошкент аэропортида меҳмонларни шаҳар ёшларининг вакиллари, пионерлар самимий кутиб олдилар.

Фестиваль қатнашчилари шу куни Тошкентни томоша қилдилар, Темир йўл транспорти инженерлари институтининг студентлари ҳузурида меҳмон бўлдилар.

СУРАТДА: Цейлон ва Непал ёшларининг вакиллари Тошкент аэропортида.

И. Глауберзон фотоси.

ПЛАНЕТАМИЗДА

ҲАҚҚОНИЙ ИШНИ ҚУВВАТЛАБ

Вьетнамга доир Женева битимлари имзоланган кунга 20 июлда 14 йил тўлди. Вьетнамнинг мустақиллиги, суверенитети, бирлиги ва территориал бутунлиги принципларини тантанали равишда эълон қилган шу битимнинг 14 йиллигини бутун прогрессив инсоният Американинг жиноий агрессиясига қарши ҳаққоний кураш олиб бораётган Вьетнам халқи билан бирдамлик куни сифатида нишонланди.

Шу муносабат билан Вьетнамни қувватловчи Совет комитети Вьетнамни қувватловчи ва унга ёрдамлашувчи барча миллий комитетларга қарата мурожаат чиқарди. Мурожаатда уқтириб айтиладики, АҚШнинг ҳукмрон доиралари ўзларининг «тинчликсеварликлари» тўғрисидаги гапларига зид равишда Вьетнамдаги жиноий урушни кенгайтиришни давом эттирмоқдалар, тағин ҳам кўпроқ шафқатсизлик ва ўжарлик билан бу ерда одамларни ўлдирмоқдалар ва ҳамма нарсани вайрон қилмоқдалар.

Вьетнам Демократик Республикасини бомбардимон қилишларни ва унга қарши барча уруш ҳаракатларини батамом ва сўзсиз тўхтатиш Вьетнамдаги можарони Женева битимларининг асосий принциплари негизида бартараф қилишга йўл очиб берган бўлур эди. Аммо, Американинг Париждаги вакиллари Вьетнам Демократик Республикаси ҳукуматининг мана шу одилона ва конструктив таклифларини қабул қилишдан ҳануз бош тортмоқдалар, дейилади мурожаатда.

Вьетнам халқининг Америка агрессорларига зарба беришни кучайтиришдан, уларни Вьетнам еридан тамомила ҳайдаб чиқаргунча янгидан-янги зарбалар бераверишдан бошқа иложи қолмаяпти. Мурожаатда уқтириб айтиладики, Совет Иттифоқининг ва бутун дунёдаги тинчликсевар халқларнинг қатъий ёрдамига таянаётган қаҳрамон Вьетнам халқи узил-кесил ғалабага эришади ва Америка агрессорларини Вьетнамдан чиқиб кетишга мажбур қилади.

Вьетнамни қувватловчи Совет комитети жаҳондаги барча тинчликсевар ва демократик кучларни Вьетнам билан бирдамлик куни бўлган 20 июль кунини Вьетнам ватанпарварларининг ҳаққоний ишини қўллаб-қувватлайдиган оммавий ва жипслашган ҳаракатлар билан нишонлашга чақиради.

БЕРЛИН. Халқаро Демократик хотин-қизлар федерацияси бутун дунёдаги хотин-қизлар ташкилотларига ва хотин-қизларга мурожаат қилиб, Вьетнам халқининг ўз мамлакатининг озодлиги ва мустақиллиги йўлида олиб бораётган адолатли курашини қўллаб-қувватлашни кучайтиришга даъват қилди.

Халқаро демократик хотин-қизлар федерацияси бюросининг шу ерда бўлиб ўтган мажлисида қабул қилинган резолюцияда Вьетнам хотин-қизлари билан бирдамлик изҳор этилади ва Американинг Вьетнам Демократик Республикасини ҳамда Жанубий Вьетнамни бомбардимон қилишни кучайтираётганлигига қарши кескин норозилик билдирилади. Резолюцияда Вьетнам халқининг Америка агрессорларига қарши олиб бораётган қаҳрамонларча курашига юксак баҳо берилади.

ПРАГА. Жаҳон касаба союзлари федерацияси Америка авиациясининг Вьетнам Демократик Республикаси территориясига ҳамда Жанубий Вьетнамнинг Ликонг дарёси дельтасидаги аҳоли зич яшайдиган районларга қилаётган ҳужумини яна кескин қоралаб чиқди. (ТАСС).

АЖОЙИБОТЛАР

ГАЗ... ЕР ИСИТГИЧИ

МАЪЛУМКИ, ҳавода маълум миқдорда карбонат кислота гази бор. У ерни иситиб туради. Агар бу газ ҳаводан бутунлай йўқ бўлиб кетса, у ҳолда Ернинг ўртача йиллик ҳарорати 21 даража пасайиб кетар эди.

УЛКАН МЕВА

КЮСТЕНДАЛ мевачилик институтининг (Болгария) олими Панов кўп йиллик тажрибалар натижасида олма ва нашвотининг гибрид навларини яратди. Бу навларнинг меваси жуда катта — ҳар бир донаси 500 грамм келади. У яратган янги беҳи навлари ҳам ана шундай улкан ва шароитга чидамлидир.

ПОЛЬШАДА... ТРОПИК ДАРАХТЛАР

БУНДАН 40 миллион йил аввал Польшанинг ҳозирги чегараларида иссиқ мамлакатларда ўсадиган хурмо дарахтлари бўлган. Подгаля районида қидирув ишларини олиб бораётган геологлар яқинида бу ердан хурмо дарахтларининг илдиз ва таналарини, айрим доналарини топдилар. Демак Польшанинг бу районлари қадим замонларда тропик мамлакатлардек иссиқ бўлибди, у жойларда иссиқликни севадиган дарахтлар ўсган.

ПЛЕНУМ ҚАРОРИ ВЕНГРИЯ газеталарида босиб чиқарилди

БУДАПЕШТ, 19 июль. (ТАСС). Будапештнинг ҳамма газеталари бугун КПСС Марказий Комитети Пленуми қарорининг тўла текстини босиб чиқардилар. Газеталар бу қарорнинг пленум КПСС делегациясининг қардош партиялар делегациялари Варшава учрашувидаги фаолиятини тўла маъқулладди, дейилган ўрнини катта ҳарфлар билан эълон қилдилар.

СЛОВАКИЯ КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИ

ПРАГА, 19 июль, (ТАСС). Братиславада Словакия Коммунистик партияси Марказий Комитетининг пленуми бўлиб ўтди.

Пленум Словакия Компартияси фавқулодда съездини шу йил 26 августда чақиришга қарор қилди.

ЭРТАГА—ПОЛЬША ФАШИЗМ АСОРАТИДАН ОЗОД ҚИЛИНГАН КУН

Польша Халқ Республикасида халқ ҳокимияти йилларида саноат ва қишлоқ хўжалиги тез суръатлар билан тараққий этмоқда. Польшада денгиз транспорти айниқса ривожланган. Болтиқ денгизи бўйида Германия Демократик Республикаси билан чегара яқинида жойлашган энг ёш портлардан бири Свиноуйсьце-2 порти фойдаланишга топширилди. Тўла автоматлаштирилган ва механизациялашган бу база тошкўмир юклашга ихтисослаштирилган. Базадан ҳар йили бир ярим миллион тонна кўмир жўнатилади.

СУРАТДА: кемага кўмир юклаш пайти.

ЦАФ—ТАСС фотоси.

ОБ-ХАВО

Бугун кундузи Ўзбекистон областларида ҳаво очиқ бўлади. Шимоли-шарқдан секундига 3-7 метр тезликда шамол эсиб туради. Ҳарорат 36-41 даражага етади.

Тошкентда ҳаво очиқ бўлиб, кучсиз шамол эсади. 36-38 даража иссиқ бўлади.

ҲОДИСА

ТУНГИ «ШАРПАЛАР»

Тун. Ширин уйқуда ётган Гулсум опанинг қулоғига алланиманинг шитирлаши, бировнинг пичирлаётгани чалингандай бўлиб, чўчиб уйғонди. Уйғонди-ю, дарҳол чироқни ёқди: қай кўзи билан кўрсинки, хонанинг ўртасида умрида кўрмаган икки нотаниш киши турарди! Даҳшатдан юраги қинидан чиқаёзган аёл анграйиб, ҳайкалдек қотиб қолди. Кўққисдан ёқилган чироқ, кутилмаганда воқеанинг бундай тус олиши чақирилмаган «меҳмонлар»ни ҳам саросимага солиб қўйди.

— Вася, қочдик! — деди улардан бири шеригига ва эшик шарақ этиб очилиб-ёпилди-ю, жонли «шарпалар» бир зумда кўздан ғойиб бўлишди.

Янгийўл район милицияси жиноий қидирув бўлимининг оператив вакили Абдусамат Усмонов воқеа содир бўлган жойга йўл олди. Ўша хонани синчиклаб текширар экан, бундай ишларда катта тажриба орттирган, ососйишталик посбони Усмонов тунги «шарпалар»нинг ҳам изини топишга муваффақ бўлди: уларнинг қоронғида тимирскиланиб, қўллари теккан нарсалардан бармоқ излари тушириб олди.

Оператив вакил бўлимга қайтиб, бу бармоқ изларини ўз шкафида сақланаётган делолардаги бармоқ изларига солиштириб кўрди. Буни қарангки, янги бармоқ излари «Вася» лақабли К. Хасанов деган кимсанинг бармоқ изи билан бир хил бўлиб чиқди...

Орадан сал вақт ўтмай, Ҳусан Деҳқонов, кетидан унинг шериги Кўйлак Ҳасанов ҳам қўлга олинди. Маълум бўлишича, яқингинада қамоқдан чиқиб келган бу икки саёқ ҳеч қаерда ишламай, ўғрилик билан шуғулланиб келишаётган экан.

С. САИДВАЛИЕВ.

ФУТБОЛ. БИРИНЧИ ДАВРА ЯКУНЛАНДИ

XXX юбилей чемпионатининг биринчи даврасиниҳоясига етди. Охирги — 19-тур қуйидагича якунланди: «Локомотив» — «Кайрат», «Черноморец» — СКА, «Крилья Советов» — «Динамо» (Тбилиси) учрашувлари 1:0 ҳисобида майдон эгалари (олдинда кўрсатилган командалар) фойдасига ҳал бўлди. Минск динамочилари кировободлик клубдошларини 2:1 ҳисобида мағлубиятга учратдилар. ЦСКА командаси «Шахтёр»ни қабул қилиб, 3:2 ҳисобида ғалаба қозонди. Москва торпедочиларининг меҳмони бўлган «Арарат» 2:0 ҳисобида енгилди. «Зенит» — «Нефтчи» учрашуви дуранг (2:2) натижа билан тугади. Биринчи даврада ҳамма командалар 19 тадан учрашув ўтказиб, қуйидаги ўринларни эгалладилар:

КОМАНДАЛАР	Ю	Д	М	Т	О
1 «Спартак»	13	4	2	35—17	30
2 «Динамо» К	10	8	1	26—11	28
3 «Локомотив»	9	7	3	22—10	25
4 «Динамо» Тб	8	8	3	18—6	24
5 «Т[illegible]до» М	8	7	4	32—19	23
6 [illegible]	8	7	4	20—14	23
7 [illegible]	8	6	5	22—16	22
8 [illegible]	6	10	3	20—19	22
9 [illegible]	6	8	5	20—23	20
10 [illegible]	5	9	5	18—18	19
11 [illegible]	6	6	7	18—17	18
12 [illegible]	6	5	8	13—14	17
13 «Заря»	5	7	7	11—22	17
14 «Динамо» М	5	6	8	20—22	16
15 СКА	5	5	9	22—30	15
16 «Пахтакор»	4	6	9	17—34	14
17 «Кайрат»	4	5	10	13—20	13
18 «Арарат»	4	5	10	13—22	13
19 «Торпедо» Кт	3	5	11	13—26	11
20 «Динамо» Кд	2	6	11	9—22	10

ЭСЛАТМА: Иккинчи давранинг биринчи тур мусобақаларини бошлаган «Динамо» (Киев) — «Торпедо» (Кутаиси) командалари учрашуви (Маълумки, бу мусобақа 1:0 ҳисобида чемпион фойдасига ҳал бўлди) ва кеча кечқурунги «Динамо» (Москва) — «Заря» (Луганск) командалари беллашувининг натижалари жадвалга киритилмаган.

«Пахтакор» биринчи даврани қандай якунлади?! 4 ютуқ, 6 дуранг ва 9 мағлубият билан 14 очко тўплаган ҳолда 16-ўринни эгаллади. Бундай қараганда, аҳвол ҳаддан ташқари ёмон эмас. Лекин масалага чуқурроқ ёндошсак, аламли ва ачинарли вазиятни кўрамиз. Аввало, команда сафардаги сўнгги ўйинлардан бирор очко ҳам ололмай, қуруқ қайтиб келди. Кетма-кет тўрт марта мағлубиятга учраб 8 очко йўқотганига қарамай, 16-ўринда туришининг боиси шундаки, командамизнинг «бахтига» жадвалда ундан кейин турган коллективлар ҳам сўнгги учрашувларни қониқарсиз ўтказдилар.

Гап фақат мағлубиятда эмас, тўғри, учрашув мағлубиятсиз бўлмайди, ҳар доим ҳам омад чопавермайди. Гап шундаки, рақибга нисбатан лаёқатли бўлиш, бутун имкониятни ишга солиш, ютқазганда ҳам мардларча ютқазишдадир.

Илгарилари кўпгина халқаро ўртоқлик учрашувларида шуҳрат қозонган, Москва командалари учун энг ҳавфли рақиб ҳисобланган «Пахтакор» жуда ожиз бўлиб қолди. Ўйинчилар, худди оёқларига тош боғлаб қўйгандек, майдонда тўп учун югурмайдилар. Энг ачинарлиси, ўйин тақдирига бефарқ қараб, масъулиятни мутлақо ҳис қилмайдилар. Сўнгги тўрт тур мусобақаларида рақиб дарвозасига битта тўп урганлари ҳолда, ўз дарвозаларидан 14 та тўп ўтказиб юбориб, тўплар нисбати жиҳатидан ҳам (—17), энг кўп тўп ўтказиб юборганликда ҳам (34) «рекорд қўйганлари» ниманинг оқибати, ахир?! Юқоридаги 19-тур натижаларига яна бир назар ташлайлик-а. «Арарат»ни ҳисобга олмаганда, бошқа ҳамма учрашувларда ўйин тақдирини битта ортиқ урилган тўп ҳал қилган. «Пахтакор» эса «Спартак»кз 0:4 ҳисобида ютқазиб, охирги турда ҳам «ўзини кўрсатди». Учрашувдан сўнг Евгений Иванович Елисеев ҳимоячи Иноятовдан бошқа ҳамма ўйинчиларга «2» баҳо қўйган. Қизиқ, футбол федерациясидаги ўртоқлар бош тренернинг ўзига қандай баҳо қўйишаркин?!

А. МАЪЗУМОВ.

Редактор ўринбосари Х. ЕДГОРОВ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

РАДИО

БУГУН

МЕТАЛЛУРГЛАР КУНИ

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

8.25 — Эстрада концерти, 9.30 — Ўзбек халқ куйлари, 10.30 — «Оловкорлар», 10.40 — Шарқ куйлари, 11.15 — «Табассум» радиожурнали, 12.15 — «Эрталабки салом!» (Москва), 13.30 — Концерт, 15.00 — «Саволларингизга жавоблар», 15.10 — Ўзбек куйлари, 15.50 — Металлурглар кунига бағишланган эшиттириш (русча), 16.10 — Талабларга мувофиқ концерт, 17.40 — Экран янгиликлари, 18.00 — Музикали салом, 18.40 — Моцарт. 11-ре мажор симфонияси, 19.20 — СССР санъат усталарининг концерти, 20.00 — «Ёшлик» программаси, 20.30 — Енгил куйлар, 21.00 «Дунё харитаси олдида», 21.10 — Концерт, 22.20 — «Табассум» (такрорий эшиттириш), 23.10 — «Таниш куйлар ва қўшиқлар».

22 июлда

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

6.15 — Тонгги концерт, 7.40 — Чолғу куйлари, 8.25 — Концерт, 9.15 — «Идеология ва ҳаёт», 9.30 — Қўшиқлар, 9.50 — «Лениндан пакет» (тожикча), 10.30 — Ўзбек операларидан парчалар, 11.15 — «Рентабеллик асосида» (русча), 11.25 — Экран куйлари, 12.15 — «Дўстлик садоқати», 13.30 — Куйлардан-куйларга (русча), 16.10 — «Д. Пуччинининг «Чио-Чио-Сан» операсининг яратилиш тарихи», 16.50 — «Правда» газетасининг обзори, 17.00 — Татар куйлари, 17.20 — «Ажойиб киши» (очерк, қозоқча), 18.00 — «Революцион фан дарғаси» (суҳбат), 18.10 — Классик қўшиқлар, 19.20 — Концерт, 20.00 — «Совет Ватани посбони», «Юность Узбекистана» программаси, 21.00 — Халқаро мавзуларда суҳбат, 21.10 — Кечки концерт, 22.30 — «Кутлуғ қон» спектаклининг монтажи, 23.40 — Концерт.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

9.55 — Кўрсатишлар программаси.

Рус тилида: 10.00 — Маяковский — болаларга. 10.30—А. Гайдар қаҳрамонлари — экранда.

Ўзбек тилида: 12.00 — Ёш техниклар, 12.20 — Эртак кетидан эртак. Доно аёз, 13.20 — бадиий фильм. 13.35 — Буни ҳар ким билиши керак, 18.55 — Кўрсатишлар программаси, 19.00 — Металлурглар кунига бағишланган эшиттириш.

Рус тилида: 19.30 — «Ахборот» информацион программаси, 20.20 Кул босган кўр (бадиий фильм).

Ўзбек тилида: 21.45 — Миниатюралар телевизион театри («Ёшлик» кўрсатади), 22.25 — «Ахборот» информацион программаси, 22.55 — Аброр Ҳидоятов (телефильм премьераси, рус тилида), 23.30 — Афсона ва куйлар.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

Ўзбек тилида: 10.10 — Олий ўқув юртига кирувчилар учун физикадан машғулот. 11.00 — Химиядан машғулот.

12.00 дан — Москва кўрсатади.

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

ФРУНЗЕ КЎРСАТАДИ

22 ИЮЛДА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

18.55 — Кўрсатишлар программаси, 19.00 — «Орзу» телепрограммаси.

Рус тилида: 19.30 — Ҳайвонлар цирк майдонида (кинофильм), 19.40 — Телеянгиликлар, 19.55 — «Советский воин» киножурнали, 20.05 — Ўзбекистон диёрининг милицияси, 21.10 — Кўрсатишлар программаси.

Ўзбек тилида: 21.15 — Телеянгиликлар, 21.30 — Ҳосилни машина билан йиғиб-териб оламиз, 21.50 — Ярим аср йилномаси. 1944 йил (ҳужжатли фильм), 22.45—Телевизион театр. Лакшми. «Аёл қалби» (2-қисм).

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

13.00 дан — Москва кўрсатади.

ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

Рус тилида: 18.00 — Математикадан машғулот, 18.45 — Физикадан машғулот, 19.30—СССР—ПОЛЬША. Дўстлик саҳифалари.

19.45 дан—Москва кўрсатади.

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

18.00 — Душанба телестудиясининг эшиттиришлари.

КИНО

Сирли халат (эрталаб соат 10 да), Фантомас Скотланд—Ярдга қарши (кундуз 12, 2, 4 ва кеч 6 да), Сангам (кеч соат 8 да): — САНЪАТ САРОЙИ.

Деразадаги қиз «ЧАЙКА», «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

Ҳиндлар суянчиғи — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

Жонсараклар — «ЎЗБЕКИСТОН» «ВОСТОК» (кундуз ва кечқурун).

ЁЗГИ БИНОДА

Ганга ва Жамна — НАВОИЙ номли.

Жонсараклар — «РАКЕТА», «ХИВА».

ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ

қуйидаги мутахассисликлар бўйича вакант вазифаларга

КОНКУРС

ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

сиёсий иқтисод (доцент ёки катта ўқитувчи, ўзбек ва рус тилларида), фалсафа (доцент ёки катта ўқитувчи, ўзбек тилида), КПСС тарихи (катта ўқитувчи, ўзбек тилида).

Конкурс муддати—19 августгача.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, К. Маркс кўчаси, 105-уй.

Ўзбекистон Қишлоқ хўжалик министрлиги

ТОШКЕНТ ЗООВЕТЕРИНАР—ПАРРАНДАЧИЛИК ТЕХНИКУМИ

(Тошкент область, Орджоникидзе район, 8 п/б)

1968—69 ўқув йилига қуйидаги бўлимларга

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Зоотехния, ветеринария, қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш ва электрлаштириш.

Ўқиш муддати—ўрта маълумотлилар учун 2 йилу 6 ой; 7-8 синфни тугатганлар учун 3 йилу 6 ой.

Ҳужжатлар 10 августгача қабул қилинади.

Кириш имтиҳонлари: рус тили ва адабиётидан (диктант), математикадан эса суҳбат тартибида ўтказилади ва 10 августдан бошланади.

«УЗГИПРОТЯЖПРОМ» ИНСТИТУТИГА

лойиҳа ишларига

малакали лойиҳачи инженер-техниклар: кучланиш жиҳозлари бўйича электрчилар, автоматлаштириш ва телефон алоқаси, саноат ва граждан қурилиши қурувчилари, сув таъминоти ва канализация, иссиқлик, газ таъминоти, қозон қурилмалари; халқ хўжалигини планлаштириш ва ташкил қилиш бўйича иқтисодчи-инженерлар, архитекторлар, топографлар, сметачилар, ҳисоб бўлими бухгалтерлари

КЕРАК

Меҳнат ҳақи — етакчи категория бўйича тўланади.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Пушкин кўчаси, 88 уй (3-трамвайнинг «Дархон», 3, 4, 5-троллейбусларнинг «Урицкий майдони» тўхташ жойлари).

«УЗЭЛЕКТРОМОНТАЖ» МАХСУС ТРЕСТИГА

Тошкентда ишлаш учун: завод бош бухгалтери, электр монтёрлари, электр монтёрларга шогирдлар, бухгалтерлар, бухгалтер-ревизорлар;

Қаршида ишлаш учун: бошқарма бош бухгалтери (уй берилади), бошқарма катта иқтисодчиси, бухгалтерлар, электрик-техниклар (монтаж бўйича тажрибага эга бўлганлар), электр монтёрлари, электр монтёрларга шогирдлар

КЕРАК

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Каблукова кўчаси, 43-уй, кадрлар бўлими (1, 2, 3, 50-автобусларнинг, 3, 4, 5-троллейбусларнинг, 3-трамвайнинг «Асакинский бекати).

Қарши шаҳар, Абай кўчаси, 7 уй. Электромонтаж бошқармаси.

ТОШКЕНТ «САНТЕХОБОРУДОВАНИЕ» ЗАВОДИГА

металл бўйича слесарлар, тунукачи-слесарлар, жиҳозларни тузатиш бўйича слесарлар, токарь, электр пайвандчилар, газ пайвандчилар, юқорида кўрсатилган мутахассисларга шогирдлар, машинисткa, план бўлими ва меҳнат ва иш ҳақи бўлими бошлиқлари, цех усталари.

КЕРАК

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Жарқўрғон кўчаси, 22-уй, кадрлар бўлими (26, 50-автобусларнинг охирги бекатлари).

«УЗСЕЛЬХОЗТЕХНИКА» ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ БИРЛАШМАСИГА

бош бухгалтер, қишлоқ хўжалиги бўйича техник-механиклар, иқтисодчи-финансистлар, кассир, машинисткалар, бухгалтер-ревизор, транспорт бўлими бошлиғи, техник-қурувчи

КЕРАК

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, А. Тўқаев кўчаси, 2-уй, 2-қават, 29-хона.

Орган Центра[illegible] Узбекистан[illegible] [illegible] Министров

СОВЕТ [illegible] ТОНИ

[illegible]митета Компар[illegible] [illegible]рховного Совета и [illegible]нской ССР.

БИЗНИНГ АДРЕС ВА ТЕЛЕФОНЛАР: ТОШКЕНТ, «ПРАВДА ВОСТОКА» КЎЧАСИ № 26, Редактор — В36545, Редактор ўринбосарлари — В37914, В39323. Масъул секретарь — В34455. Масъул секретарь ўринбосарлари — В37283. Партия турмуши — В33469. Марксизм-ленинизм назариясини пропаганда қилиш — В31218, Халқаро ҳаёт — В37604, Коммунистик тарбия — В31455, Саноат, капитал қурилиш ва транспорт — В34790, Совет қурилиши — В33258, Қишлоқ хўжалиги — В37604. Адабиёт ва санъат — В32036, В37221. Фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — В34451. Маҳаллий ахборот ва спорт — В32347, Оммавий ишлар ва хатлар — В38679, В33553, Иллюстрация — В34524, Стенографистка — В37343, Корректура — В37162, Эълонлар — В38142, Коммутатор — В30249, В30250, В30251, В30252, В30253, В30254, В30255, В30256, В30257, В30258, ОБЛАСТЬ МУХБИРЛАРИ: Андижон 42—85, Бухоро 31—41, Қарши 3—08, Нукус 42—62, Самарқанд 31—972, Термиз 23—27, Фарғона 41—88, Урганч 34—55.

Б № — 169. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бирлашган нашриётининг босмахонаси. Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64633. Р. 02635.